ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

*ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК-ИЛМИЙ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ*

М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Е. АБДУЛЛАЕВ,
Ю. Т. ДОДОБОЕВ.

МИЛЛИЙ СЧЕТЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ БАЛАНСЛАР

(Ўқув қўлланмаси)



Тошкент - 2003 й.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИ-ИЛМИЙ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Е.АБДУЛЛАЕВ,
Ю.Т.ДОДОБОЕВ

МИЛЛИЙ СЧЕТЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ БАЛАНСЛАР

(ўқув қўлланмаси)



Тошкент - 2003

65.052
Ш 268

М.Шарифхўжаев, Е.Абдуллаев, Ю.Т.Додобоев
Миллий счётлар ва иқтисодий баланслар.
Ўқув қўлланмаси. Тошкент, 2003 йил.

Қўлланма Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги Қонунларга мувофиқ ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган

Тақризчилар: иқтисод фанлари номзоди Б.Холмирзаев
иқтисод фанлари номзоди М.Тожибоев

477200
SamKI
KUTUBXONASI

СЎЗ БОШИ

Миллий счетлар ва иқтисодий балансlар - ҳозирги замон макроиқтисодий таҳлилининг асосидир. Миллий ҳисобчилик (ҳисоб-китоб яратиш) иқтисодий статистиканинг марказий бўғини сифатида бозор иқтисодиётининг макростатистик модели бўлиб хизмат қилади.

Ушбу амалий қўлланма студентларга миллий ҳисобварақлар тизимнинг категориялари, алоҳида олинган иқтисодий балансларнинг категорияларини яхшироқ тушуниб етишда, статистик тадқиқотнинг илмий асосларини қўллашда ва статистик кўрсаткичлар ортидаги реал ижтимоий-иқтисодий жараёнларни кўра билишда ёрдам бериш мақсадида ёзилган.

Амалий қўлланмада бир типли масалалар ҳамда уларнинг ечими бўйича услубий кўрсатмалар берилганлиги сабабли у ўқитувчилар учун ҳам аҳамиятлидир.

Амалий қўлланма ўқувчиларнинг умумиқтисодий фанлар ва иқтисодий статистика фанларининг мазмуни билан танишиб чиқишлари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган.

Ҳар бир бобнинг таркиби тузилаётганда даставвал ҳозирги замонавий макроиқтисодий статистиканинг асосий категориялари берилади ва аналитик ишда қўлланадиган кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқиш методологияси (услуби) берилади, сўнгра эса мустақил ишлаш учун масалалар ва тестлар келтирилади. Бир қатор масалаларни ечишда ўқувчилар таҳлилнинг статистик усулларини эгаллаш қобилиятларини намойиш қила билишлари, шунингдек алоҳида олинган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишда замонавий компьютерлардан фойдалана олишларини кўрсатишлари даркор.

Амалий қўлланма уч қисм ва олти бобдан иборатдир.

Унинг биринчи - «Миллий ҳисобварақалар» қисмида миллий кўрсаткичлар тизимининг тўб моҳиятини англатувчи--ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаб чиқаришнинг моҳиятини, асосий қоидалари ва усулларини очиб берилган.

Товарларни ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро баланси (ТАБ).

Иккинчи қисм - «Иқтисодий балансlар»да меҳнат ресурслари ва ишчи кучига қилинадиган харажатлар баланси:

миллий бойликлар ва асосий жамғармалар баланси:
тўлов баланси:
савдо баланси баён этилди.

Учинчи қисм - «Бир типли масалаларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар ва ечим жавоблари» қисмида амалий қўлланмада қўшимча тушунтиришлар келтирилган.

Чекланган миқдордаги ҳал қилувчи кўрсаткичларни ва муносабатларни бевосита белгилаб макроиқтисодий сиёсатнинг тўғри танланганлиги тўғрисида фақат хўжалик юритувчи субъектлар (давлат) келтирилган бир типли масалаларнинг ечими, жавоблари ва ечиш юзасидан назарда тутган қарорларни қабул қилганлари ҳақида ишонч ҳосил қилингандагина сўз юритиш мумкин. Бозор шароитида хўжалик юритиш усулларининг моҳияти шундан иборатки, давлат иқтисодиётни тараққий эттиришнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб туриб, бир вақтнинг ўзида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан иқтисодий рағбатлашларнинг ва чекловларнинг тизимини ҳам ишлаб чиқади. Давлат хўжалик юритувчи субъектларни маълум бир иқтисодий ва молиявий шароитларга қўяр экан, уларни корхоналарнинг ўз манфаатларига ҳам, жамият манфаатларига ҳам жавоб берадиган қарорларни қабул қилишларига рағбатлантирмоғи даркор. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг стратегияси айни шу замирда қурилмоқда.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг қандай йўл тутишлари уларнинг асосий функцияларини (ишлаб чиқаришни, истеъмол қилишларини, тақсимотни ва б) молиялаштиришнинг (молиявий таъминотнинг) тўғри ташкил этилганига боғлиқ бўлади, молиялаштириш эса муайян турдаги ресурсларнинг ҳаракатига таллуқли бўлган асосий чекловлар билан четаралаб қўйилган бўлади.

Шундай экан иқтисодиётнинг мувозанати бўлишини таъминлаш фақатгина давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бутун жамият манфаатларига жавоб берадиган ўзаро ҳамкорликнинг механизмини ишлаб чиқиш эмас, балки бу механизмни маблағ билан таъминлашни ҳам тақозо этади. Шу билан бирга молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж-

лар билан маблағларнинг мавжудлиги ўртасидаги номутаносибликни бартараф қилиш бўйича кўриладиган чоралар чуқур англаб етиши ва аниқ мақсадларни кўзлаш хусусиятига эга бўлмоғи даркор, акс ҳолда бир тизимга эга бўлмаганлиги туфайли улар самарадорлигини йўқотишлари мумкин. Масалан, зарур бўлган ресурсларнинг аниқ ҳажмини ва улардан фойдаланишдаги устиворликларни билмаслик алоҳида олинган ҳалқ хўжалик номутаносибликларини чуқурлаштириб юбориши мумкин, бу эса ўз навбатида бир бутун ҳолдаги иқтисодиётнинг ҳолатига ёмон таъсир ўтказади.

Бошқача сўзлар билан айтганда муайян сабаб-оқибат алоқаларнинг тизимини очиқ-равшан кўрмоқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг у ёки бу иқтисодий рағбат воситалари тизимидаги доираларда ўзларини тутишлари қонуниятлари ҳақида уларнинг молиявий оқимларини кузатиб туриш орқали тасаввурга эга бўлмоқ даркор.

Ўзбекистоннинг янги миллий ҳисобварақлар тизимига ўтаётганлигини ва унда иқтисодий тараққиётнинг даражаси ва хажмининг энг умумлаштирувчи кўрсаткичи иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги қўшилган қийматларнинг йиғиндисидан иборат бўлган ялпи ички маҳсулот эканлигини инобатга олган ҳолда молиявий оқимлар тахлилини қўшилган қиймат асосида қуриш мақсадга мувофиқдир. У жамиятнинг, корхоналарнинг ва ташкилотларнинг молиявий ресурслари манбаълари бўлган қўшилган қийматнинг қисмини ишлаб чиқарилишини тақсимланишини ва ишлатилишини акс эттирмоғи даркор.

Маълум давлатнинг, корхоналарнинг ва ташкилотларнинг молиявий ресурсларининг асосини шу корхоналара ва ташкилотларнинг моддий соҳаларда барпо этадиган, хўжалик органларининг пулли хизматлар соҳаларида яратиладиган қўшилган қиймат ташкил қилади. Номоддий сферадги ташкилотларнинг ва муассасаларнинг бепул хизматлар кўрсатадиган қисми (халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, мудофаа, фундаментал фанлар ва шу кабилар) молиявий ресурслар манбааларини барпо этмайди. Бунинг устига уларнинг харажатлари ва ривожланиши учун юқорида номлари тилга олинган моддий ва номоддий сферадаги хўжалик органлари томонидан барпо этиладиган ресурслар ишлатилади. ИЯМни тақсимлашнинг ҳозирда амал қилиб турган шакли 1 чизмада келтирилган.

Бундай мураккаб механизмнинг тавсифи етарли даражада реал бўлмоғи учун унда бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг фаолият кўришидаги барча элементлар иштирок этиши ва улар ўртасидаги ўзаро алоқа очилган бўлиши даркор. Шундай бўлган тақдирдагина кўриб чиқилаётган механизмни ифодаловчи қонуниятлар етарли даражада аниқлаб берилишига кўз тутилиши мумкин.

Ушбу мураккаб муносабатларни айнан акс эттирувчи қурол сифатида ҳар бир элементи сатр кўрсаткичлари учун даромадларни ва устун кўрсаткичлари учун харажатларни кўрсатувчи молиявий оқимлар матрицасидан фойдаланиш таклиф этилади. Бунда ушбу элементлар баҳолашнинг матрица сатрлари ва устунлари учун тенглиги таклиф қилинади, чунки гап бу ерда айнан бир нарса ҳақида фақат турли жиҳатлардан олиб қаралганда юритилади..

Принципиал жиҳатдан олиб қаралганда бундай матрица фаолият кўраётган иқтисодий тизимнинг барча жиҳатлари: хўжалик бирликлари бажарадиган функциялар, керакли даражада гуруҳланган хўжалик бирликларнинг ўзлари, ушбу бирликлар бажарадиган операциялар, ушбу операцияларнинг мазмуни ва шу кабилар яққол кўриниб туриши даркор. Иқтисодий информацияларнинг бутун борлиғи унда шундай тартибга солинадики, натижада иқтисодий тизимнинг ҳар бир звеноси, ҳар бир хўжалик бирлиги ўзларига хос бўлган иқтисодий функциялари ва хўжалик алоқалари билан ўрин топади ёки ўрин эгаллаши мумкин бўлади. У молиявий ресурсларнинг тўлиқ қамраб олинишини ва уларни тақсимлаш каналларини тўлиқ қамраб олинишини таъминлайди, молиявий ресурсларнинг изчиллик билан ва ўзаро алоқадорликдаги ҳаракатланишини: уларнинг ҳосил бўлишини, пул маблағлари жамғармаларида сафарбар этилишини, тақсимланишини ва ишлатилишини акс эттиради.

Матрицани тузишдан кўзланган асосий мақсад - республика молия-кредит ресурслари оқимларини тўлиқ қайтадан тиклаш ва кўрсаткичлардаги ўзаро алоқадорликни аниқлаб топишдир. Гап шундаки халқ хўжалиги кўрсаткичлари фақатгина унинг фаолиятидаги у ёки бу томонларнинг хусусий тав-

сифи бўлибгина эмас, балки бир вақтнинг ўзида қандайдир умумийликка эга бўлган ҳолда бир бутуннинг элементи ҳамдир ва у уларни бир томондан баланс таҳлилининг предметини (масаласини) ташкил қилувчи баланс тенглиги тизимида намоён қилади, бошқа томондан эса - баланс билан боғлиқ бўлмаган кўрсаткичлар алоқаси тизмида намоён бўлади.

Иқтисодиётнинг фаолият кўришидаги асосий халқ хўжалиги жараёнларига мувофиқ, уларнинг ҳар бирининг товарлар ва пул маблағлари ресурсларининг пул шаклидаги айланишидаги ўз хусусиятлари борлигини назарда тутган ҳолда, ҳозирги пайтдаги мавжуд бўлган статистик информацияларни гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

* Хўжалик юритувчи субъектлар эса икки гуруҳга бўлинганлар:
* «Аҳоли» ва «Хўжалик ташкилотлари»,
* «Ишлаб чиқариш»;
* «Тақсимлаш»;
* «Пировард фойдаланиш»;
* «Ташқи иқтисодий алоқалар»

Хўжалик юритувчи субъектлар эса икки гуруҳга бўлинганлар:

«Аҳоли» ва «Хўжалик ташкилотлари», улар 1-ф, 1-ТИА (қўшма корхоналар) ва товар биржаси) шаклида ҳисобот берадилар).

Бизнинг матрица жадвал кўришишида қурилган бўлиб, улар сатр бўйича манбаалари кўрсатилади, устунлар бўйича эса (кесимда) - уларнинг ишлатилиши кўрсатилади.

<u>Қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:</u>

1. «Ишлаб чиқариш» счети. У молиявий ресурсларнинг (МР) асоси бўлган қўшилган қиймат миқдорини кўрсатади.

2. «Тақсимлаш» счети. Унда молиявий ресурслар жамғармалари шаклланадиган бирламчи тақсимлаш ажратиб кўрсатилади. Ушбу жамғармаларнинг номлари ва уларнинг шаклланиши манбаалари берилади.

3. Истеъмолга, жамғаришга ва бошқаларга «Пировард фойдаланиш» счети.

1. «Ташқи иқтисодий алоқалар» счети. «Ҳаммаси бўлиб» сатри, салъдо чиқарувчи сатр ва баланс.

Кесимда:

1. Қўшилган қийматни «Ишлаб чиқариш» счети, хўжалик органлари ва аҳоли ажратилган ҳолда кўрсатилади.

2. Қўшилган қиймат манбаалари бўйича баланс фойдаси, соф солиқлар ва қўшилган қиймат ресурслари кўринишида «Тақсимлаш» счети, нобюджет жамғармалар ажратиб кўрсатилади.

3. «Пировард фойдаланиш» счети, давлат бюджети, нобюджет жамғармалари, кредит-банк ва суғурта ташкилотлари ихтиёрига қолдириладиган ресурслар ажратиб кўрсатилади.

4. «Ташқи иқтисодий алоқалар» счети, «Жами» сальдоловчи устун ва баланс.

Ҳар бир счет ўзининг сатрдаги ёки стундаги жойлашувига кўра турлича информацияларни акс эттиради ва маълум бир саноқларга, у саноқлар ҳам ўз навбатида ўзларининг бошқа саноқларига эга бўлиши мумкин ва ҳ.к. Агар сатр бўйича ресурс қандай шаклланиши кўрсатиладиган бўлса, устун бўйича ресурснинг нималарга ишлатилиши кўрсатилади.

Бундай саноқларни лоақал балансларнинг кўринишида (давлат бюджети (ДБ), аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси кўринишида (АПДХБ) ҳисобларни (саноқларни) олиб борувчилар матрицанинг алоҳида таркибий қисмларига айланиб қоладилар ва унда иқтисодий мазмунига кўра бир турдаги параметрларга бирлашадилар. Натижада у бир-бирларининг устига терилган бир қатор локал халқ хўжалиги балансларининг интеграциясини (бирлашувини, туташиб кетишини) ва иқтисодий айланмаларни акс эттирувчи бошқа манбаъларни ташкил қилади.

Счетларни кўчириб ўтказишда (ҳисоблаб чиқаришда) локал балансларнинг ва бошқа манбааларнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи информациялар ёзиб киритилади. «Бўшлиқларнинг иштирок этиши методологик жиҳатдан ўзини оқлайди, яъни балансниг барча счетлари (саноқлари) бир-бирлари билан ўзаро алоқадорликда бўлавермайди. Масалан

«Ишлаб чиқариш» счетидаги айнан қайси хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан халқ хўжалигининг жами қўшилган қиймати шаклланганлигини кўрсатувчи сатр хўжалик субъектидан кейинги «аҳоли» старидаги устунлар бўш бўлади, чунки бу жадвалда мазкур хўжалик юритиш субъекти охирги ўринда туради. Устунлар бўйича мазкур счет биз томонидан киритилган ҳар бир хўжалик субъектининг қўшилган қиймати таркибининг қанча эканлигини энди кўрсатиб туради.

«Тақсимлаш» счети икки саноқдан иборат бўлади, улардан бири устунлар бўйича қўшилган қийматнинг билвосита солиқлар, балансидан фойда ҳаққи, эскириш ва таннархнинг бошқа қисмлари кўринишидаги бирламчи тақсимотини, сатр бўйича эса - хўжалик субъектлари бўйича кўрсаткичларни тақдим қилади.

Иккинчи ҳисоб (саноқ) сатрлар бўйича аҳолининг хўжалик ташкилотларининг, давлат бюджетининг, нобюджет ташкилотларнинг, банкларнинг ва бошқа кредит институтларининг, суғурта ва бошқа ташкилотларнинг пул жамғармалари кўринишидаги молия ресурсларини шаклланиши жараёнини кўрсатади, устунлар бўйича эса пул жамғармалари бўйича бирламчи ресурсларнинг тақсимланиши йўналишларини кўрсатади.

«Пировард фойдаланиш» счети сатрлар бўйича ресурсларнинг қандай йўналишлар бўйича харажат қилинганлигини (истеъмолга, жамғармага ва бошқаларга), устунлар эса пул жамғармаларининг ўзаро ва пировард фойдаланишга қайта тақсимланишини акс эттиради.

«Ташқи иқтисодий алоқалар» счети давлатнинг «бошқа олам» нуқтаи назаридан даромадларини тақдим қилади. У операцияларнинг жорий, капиталларнинг ҳаракатланиши) турлари тарафидан туриб айрим аниқликларнинг киритилишини талаб қилади.

Матрицанинг ўзи шартли маълумотлар билан 2 тизмада келтирилган.

У қуйидаги саволларга жавоб беради:

* молиявий ресурслар таркибини нималар ташкил қилади (молия ресурсларининг барпо этилишига асос бўлиб хизмат қилувчи ялпи ички маҳсулотнинг қисмини таркиби);

* молия ресурсларини (МР), пировард ишлатиш ҳам қўшиб олинганда ўзаро қандай тақсимланади.

Мазкур механизм ёрдамида қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

* хўжалик органлари ва аҳолининг ихтиёрида қоладиган даромад билан давлат бюджетига, нобюджет жамғармаларга, молия-кредит институтларига ва шу кабиларга молиявий ресурслар тариқасида келиб тушадиган даромадлар ўртасидаги нисбатни аниқлаш - бошқача қилиб айтганда тақсимот муносабатларининг, ишлаб чиқариш натижасини ва унинг фойдаланишини аниқлаш. Бу жамиятнинг молиявий потенциалини аниқлашда реал замин (база) бўлиб хизмат қилади;

* иқтисодий бошқарувнинг асосий механизмларини (солиқларни, фойдаланишнинг тақсимланишини ва х.к.) кўрсатиш;

* айрим локал балансларнинг манбаъларини ва сарфланиш йўналишларини аниқлай билиш.

* пировард фойдаланишнинг йўналишларини ва уларнинг манбаъларини шакллантириш.

Бир неча локал балансларни тавсия этилаётган шаклда уларнинг даромад ва харажат қисмларини бир-бирларига нисбатан кўндаланг қўйиш йўли билан ушлаб қолиш (интернлаш) яна бир қатор устунликларни барпо этади. Гап шундаки, локал балансларни матрица шаклидаги ягона балансга қисмлар кўринишида киритиладиган бўлса, биринчидан, ҳар бир қисм бўйича молия-кредит маблағларининг айланмасини аниқлаб олиш ва таҳлил қилиш имконияти туғилади, иккинчидан эса, локал балансларо ўрталарида пайдо бўладиган ўзаро алоқадорликлар бир маънога эга бўлган мазмунни ва миқдор жиҳатидан аниқликка эга бўлиб қоладилар, бу эса таҳлил чегараларини, харажатларни қоплаш, истеъмол қилиш ва жамғариш жамғармаларини қайта тақсимлаш мақсадида ЯИМни қайта тақсимлашнинг молия-кредит механизмининг роллини кенгайтиради. Бошқача қилиб айтганда бир матрицада бир қатор локал балансларнинг кўрсаткичларини бирга қўшиб акс эттириш унда молия ресурсларининг хўжаликнинг ичидаги

айланмаси (оборoти) оқимларини (корхонанинг ўз манбаалари ҳисобидан қилган харажатларини), шунингдек субъектларнинг юқори ташкилотлар билан ижтимоий, банк ва суғурта муассасалар билан бўлган иқтисодий алоқаларини акс эттириш ва алоҳида қилиб ажратиб олиш имконини беради.

Молия оқимини матрица кўринишида тақдим қилишнинг иккинчи бир устунлиги шундаки, унинг ёрдамида қайта тақсимлаш жараёнлари ҳисобга олинган ҳолда ҳосил қилинган ва сарфланган ресурслар оқимининг шаклланишини ва ишлатилишини ўтмишга назар ташлаган ҳолда таҳлил қилиш мумкин бўлади, бу эса уларнинг хажм ва тиркибидаги ўзгаришларни, шунигдек уларнинг келгусидаги динамикасини (ўзгаришини) белгилаб берадиган асосий омилларни аниқлаб олиш имконини беради. Матрица хўжалик юритувчи субъектларнинг қандай қилиб республика мустақиллиги шароитида ўз тараққиётларини фақат унинг худудида шаклланаётган молия маблағлари ҳисобидан амалга ошираётганликларини, бу орада молия-кредит тизимининг бошқа бўғинлари билан ҳисоб-китоб қилаётганликларини кўрсата олади.

Талаб билан таклифни мувозанатга келтирувчи механизмни айнан бир ҳил шаклда акс эттирадиган ушбу матрицанинг қўллаш давлатнинг барқарорлаш тирувчи сиёсатини ишлаб чиқишда наф келтириши мумкин. Бу ҳолда давлат бошқаруви тизими фақатгина таркиб топган моддий-молиявий нисбатлар тўғрисидагина ишончли маизарага эга бўлиб қолмасдан, макро миқёсда амалда мавжуд бўлган молия ресурсларининг борлигидан келиб чиққан ҳолда тўлов қобилиятига эга бўлган талабни тутиб туришнинг муҳим индикаторини ҳам қўлга киритади. Ахир матрица ҳисоб-китобларнинг ёпиқ тизимидан иборат бўлиб, унда бевосита алоқа билан бир қаторда акс алоқа ҳам - молия ресурсларнинг мавжудлиги бўйича чекловлар ҳам акс эттирилади.

Шундай экан ушбу матрица, биринчидан, иқтисодий ривожланишининг дастурларини тузишда статистик ва услубий асос бўлиб хизмат қилади, иккинчидан эса халқ хўжалиги миқёсда асосий локал балансlар учун хизмат қилади, учинчидан эса турли секторларнинг иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида бир-бирлари билан алоқадорликларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Энди эса 2 тизмада тасвирланган матрицага мурожаат қиламиз.

Ундан кўриниб турибдики, кўриб чиқилаётган даврда молия ресурсларининг асосида 278906 бирликдаги қўшилган қиймат ташкил қилар экан, у эса бирламчи тақсимот босқичида қуйидагиларга бўлиниб кетади:

* билвосита солиқлар - 48249,8;
* баланс фойдаси - 86770,1;
* иш ҳақи - 53173,7;
* иш ҳақисиз таннарх - 90712,6.

Молия ресурсларининг жами суммасидан хўжалик органлари ва аҳолига тегишлича 227642,7 ва 51263,3 бирликни ташкил қилади. Шундан кейин биринчи тақсимот натижаси пул жамғармаларига кўра бўлиниб кетади. Жумладан, 55998,7 ҳажмдаги фойда хўжалик органи ихтиёрида қолади, 30771,4 бирликдан иборат қисм эса бюджетга ўтказиб берилади, бюджетга шунингдек билвосита солиқлар ҳам ўтказади. Таннарх ресурслари қуйидаги тарзда тақсимланган:

* 53173,7 хўжалик органларининг ишчи хизматчиларига иш ҳақи кўринишида «аҳолига» ўтказиб берилади.
* 16812,9 - хўжалик органи томонидан маҳсулотнинг таннархига киритилган амортизация (эскириш)га ажратмалари ва ижтимоий дастурлари ресурслари суммасидир;
* 17135,5 иш ҳақига ҳисоблаб чиқарилган маблағ суммаси - нобюджет жамғармаларга ўтади.
* 5003 - ер, сув ва бошқалар учун ундириладиган солиқлар - давлат бюджетига ўтказиб берилади;
* 495,9 суғурта ташкилотларига ўтади;
* 51263 - якка тартибдаги ва хусусий мулкдан олинадиган даромадлар булар тўла-тўкис аҳолининг ўзида қолади.

Айни шу тариқа устунлар бўйича бундан кейинги тақсимотлар, шу жумладан ниҳоят фойдаланиш тақдим этилган.

Энди ресурсларнинг шаклланишини кўриб чиқамиз. Бирламчи тақсимотдан кейинги босқичларда келиб тушадиган асосий тушумларга хўжалик органларидан 408,6 бирлик, по-

бюджет жамғармаларидан 59,8 бирлик, бошқа тушумлардан эса 398,1 бирлик ва солиқлар, мажбурий тўловлар кўринишидаги аҳолидан ундириладиган тушумлар 9214 бирликни ташкил қилади. Айни шу тариқа бошқа сатрлар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Кўриб турганимиздек матрицанинг ҳар бир кўрсаткичи унинг оддийгина миқдор ўлчагичи бўлиб қолмай, тегишли субъектдан олиш механизмини ҳам (солиқларни, кредит ресурсларини, субвенцияларни ва шу кабиларни) акс эттиради.

Сальдоловчи (жамини чиқарувчи) устуннинг маълумотлари катта қизиқиш уйғотади. Масалан, давлат бюджети 8971,4 бирликдаги, нобюджет жамғармалар 4924,4 бирликдаги тақчилликларга эга бўлиб турган бир пайтда аҳоли, хўжалик органлари, кредит ва суғурта институтлари оргиқча маблағларга эга бўладилар. Демак, давлатнинг молия потенциалидан бирмунча рационал, яъни мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд экан.

Молиявий ресурслар йиғиндисининг ҳисоб-китобини ишлаб чиққач таҳлилий ишлар кўламини бирмунча кенгайтириб юбориш мумкин. Бу бозор муносабатларини бозор шароитида ривожлантиришнинг заруратини: молиянинг хўжалик жараёнларини тартибга солишнинг энг муҳим воситаси эканлигини инобатга олган ҳолда, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини бошқаришдаги таклиф этилаётган механизмининг аҳамиятини оширади.

I ҚИСМ

МИЛЛИЙ СЧЕТЛАР

I БОБ

Ялпи ички маҳсулот - миллий счетлар тизимидаги марказий кўрсаткич

Миллий счетлар тизими (МСТ) - бозор иқтисодиёти категорияларида такрор ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитларини, жараёнини ва натижаларини ифодаловчи бир-бирлари билан боғланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг, стандартлаштирилган классификацияларнинг (таснифланишнинг) тизимидир. МСТ - бозор иқтисодиётнинг макроиқтисодий моделидир. Шу дамнинг ўзида МСТ - иқтисодий жараённинг турли жиҳатлари тўғрисидаги информацияларни тартибга келтириш усулидир. Бу маънода МСТ бозор иқтисодиёти тизими талабларига айнан тўғри келадиган мамлакат миқёсидаги статистик ҳисобнинг тизимидир.

Ялпи ички маҳсулот - миллий хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини тавсифловчи якуний йиғма кўрсаткичдир. ЯИМ миллий счетлар тизимининг марказий кўрсаткичидир.

ЯИМни ҳисоблаб чиқариш усуллари, МСТни қуриш методологияси каби умуман олганда иқтисодий ишлаб чиқаришнинг мазмунини ва чегараларини, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ва такрор ишлаб чиқариш механизмини тушунтириб берувчи сиёсий иқтисод хусусиятидаги ҳозирги замон концепцияларга (ғояларга) асосланади. Хусусан олганда иқтисодий ишлаб чиқариш концепцияси, ишлаб чиқариш фактлари назарияси, миллий хўжаликнинг институтционал таркиби тўғрисидаги тасаввурлар ва бошқалар ишлатилади. Миллий счетлар - бир-бирлари билан боғланаган тармоқлар мажмуасидир. Иқтисодий ишлаб чиқариш маҳсулот шаклига киради-ган ёки хизматлар кўринишига эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш сифатида талқин қилишдир.

Амалда иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш соҳаси қуйидаги фаолият турларини ўз ичига олади:

* сотиш учун ҳам, хусусий истеъмол учун ҳам товарларни ишлаб чиқариш;

* ўзгаларга ўтказиш мақсадида молиявий бўлмаган хизматларни кўрсатиш;

* молия муассасаларининг (банкларнинг, суғурта компанияларининг ва шу кабиларнинг) фаолияти;;

* давлат (бюджет)ташкилотларининг ва муассасаларининг жамиятнинг қарийб барча қатламларига кўрсатгандагина бозор муносабатлари билан боғлиқ бўлмаган хизматлари (бошқарув, мудофаа, бюджетдан маблағ олувчи фан), шунингдек айрим фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар (пулсиз ёки имтиёзли соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқалар);

* уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи «нотижорат» ташкилотларнинг (партия, касаба иттифоқи ва жамоат ташкилотларнинг, диний ташкилотларнинг ва ҳ.к.) фаолияти;

* ҳақ эвазига уйда кўрсатиладиган хизматлар (ёлланма ошпазлар, боғбонлар, энагалар ва шу кабилар);

* уй-жой билан боғлиқ кўрсатиладиган хизматлар, яъни хусусий уйларнинг ва хонадонларнинг эгаларига хусусий истеъмоллари учун кўрсатиладиган хизматлар.

Аналитик мақсадларда миллий иқтисодиётнинг қуйидаги икки тармоғини (фаолиятлар турини) алоҳида қилиб ажратиб кўрсатадилар:

а) моддий ишлаб чиқариш (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиши, транспорт, алоқа, савдо ва бошқалар);

б) номоддий хизматлар соҳаси тармоқлари (соғлиқни сақлаш, маориф, фан, бошқариш ва бошқалар).

Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаб чиқаришни усуллари ижтимоий маҳсулотни ва миллий даромадни такрор ишлаб чиқаришнинг уч босқичига мос келади:

ишлаб чиқариш;

тақсимлаш;

пировард фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш босқичида (ишлаб чиқариш усули) ЯИМ ишлаб чиқариш бирликларининг - резидентларнинг ва маҳсулотларга

ва импортга солинадиган соф солиқлар (маҳсулотларга уларга берилган субсидиялар пули чегириб, тапланганидан кейинги солиқлар)нинг ялпи қўшилган қиймати суммаси сифатида аниқлаанади. Ялпи қўшилган қиймат ялпи чиқариш ёки чиқариш билан (ялпи маҳсулот кўрсаткичи каби кўрсаткич билан) оралик истеъмол ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Оралиқ истеъмол материалларни, хом ашёларни, ёқилғини, энергияни, ярим тайёр маҳсулотларни ва шу кабиларни харид қилишга ва кўрсатилган хизматлар ҳақини (транспорт, реклама, юридик хизматлар ва шу кабилар ҳақини) тўлашга қилинган жорий эксплуатация билан боғлиқ харажатларнинг йиғиндисига ҳисоблаб чиқарилади.

Мазкур кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқариш метедологиясига, айниқса ялпи чиқариш кўрсаткичига, кўплаб омиллар, масалан, тармоқнинг хусусиятлари, бозор муносабатлари даражаси (сатҳи) каби омиллар таъсирини ўтказади.

Тўрт гуруҳдаги тармоқларни (фаолият сфералари-ни)ажратиб кўрсатиш мумкин, жумладан:

а) бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариладиган тармоқлар;

б) муомала соҳаси тармоқлари;

в) бозор хизмати соҳаси;

г) бозорга боғлиқ бўлмаган хизматлар соҳаси.

Биринчи гуруҳга чиқаришга (ялпи чиқаришга) саноат мисолида реализация қилинган (тайёр ва ярим тайёр) маҳсулотлар ва поёнига етказилмаган ишлаб чиқаришнинг ўзгариши, шу жумладан реализация қилишга аталган, лекин реализация қилинмаган тайёр маҳсулотларга сўровнинг ўзгариши киритилади. Тармоқлардаги поёнига етказилмаган ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш цикли узоқ давом этадиган тармоқларда (қишлоқ хўжалигида, қурилишда, машинасозликнинг айрим тармоқларида) ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалигидаги чиқариш (ялпи чиқариш) деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан таркиб топади.

Ўсимликёшунослик (деҳқончилик) маҳсулотлари қишлоқ хўжалик *экинларининг шу йилдаги ялпи хосил* қийматининг кўп йиллик экинлар маҳсулотларининг текисланиши қийматининг, деҳқончиликдаги поёнига етказилмаган ишлаб чиқариш қолиқлари суммасининг ўзгариши йиғиндилари сифатида аниқланади. Чорвачилик маҳсулотлари чорва ҳайвонларини ўстириш натижасида олинган маҳсулот қиймати суммаси сифатида (яъни чорва ҳайвонларининг туғиши, қорамолларнинг ва паррандаларнинг боқилиши ва яйловларда ўтлатилиши натижасидаги ўсиши ва семиришдан олинадиган маҳсулотлар) ва чорва ҳайвонларидан хўжалик мақсадларида фойдаланиш жараёнида олинган маҳсулотлар (сут, тухум, жун ва бошқалар) қийматининг суммаси сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Қурилишдаги чиқариш (ялпи чиқариш) қуйидагиларнинг қиймати суммаси сифатида ҳисоблаб топилади:

а) қурилиш, монтаж, геология-қидирув, бурғилаш ва лойиҳа-қидирув ишларининг;

б) поёнига етказилмаган қурилиш ишлаб чиқариш қолдиғининг ўзгариши;

в) бинолар ва иншоотлар капитал таъмирлашнинг.

Агар қуйидагиларнинг қиймати ҳам жамланса айни шундай натижа ҳосил бўлади:

а) қурилиш тугатилган ва ишга туширилган объектларнинг (бунга жиҳозларининг ва бошқа харидларнинг қиймати кирмайди);

б) поёнига етказилмаган қурилиш ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгариши;

г) бинолар ва иншоотларнинг капитал таъсири.

Иккинчи гуруҳда чиқариш (ялпи чиқариш) савдо устамаси (реализация қўйилмаси) қиймати билан ўлчанади.

Савдо қўйилмаси (реализация қўйилмаси, яъни устамаси) реализация қилинган товарларнинг сотиш ва харид нархларининг қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси чегириб ташланганидан кейинги қийматлари фарқидан иборатдир.

Қиймат элементлари бўйича чиқариш савдо ташкилотларининг қилган муомала харажатлари билан олган фойдаларнинг (ялпи даромадининг) фарқи суммаси сифатида ҳисоблаб чиқарилади: бунда ёллаб ишлатилган транспорт харажатлари чиқариб ташланмайди. Ташқи савдо ташкилотлари бўйича чиқариш ички савдо ташкилот-

47200
SamKI
KUTUBXONA

лари бўйича чиқаришни аниқлаш каби ҳисоблаб топилади, яъни муомала харажатлари билан фойда суммаси каби. Кўрсатилган сумма импортга солинган солиқ тариқасида талқин қилинади.

Учинчи гуруҳда - бозор хизматлари соҳасида чиқариш одатда кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган пул қиймати билан тенглаштирилади.

Тўртинчи гуруҳда - бозор билан боғлиқ бўлмаган хизматлар соҳасида - чиқариш бундай хизматларни кўрсатадиган ташкилотларнинг фаолият олиб боришлари билан боғлиқ жорий харажатлар суммаси билан ўлчанади.

Тақсимлаш босқичида (тақсимот усули) ЯИМ суммаси (резидентларнинг - тақсимот билан шуғулланувчи ишлаб чиқаришларнинг) олган бирламчи даромадлари суммаалари минус ёлланма ишчиларга тўланган иш ҳақи, ишлаб чиқаришдан ундириладиган соф солиқлар, импортга солинган солиқлар (ишлаб чиқаришга солинган солиқлар ва импортга солинган солиқлар минус ишлаб чиқаришга ва импортга ажратилган субсидиялар) ялпи фойда ва ялпи аралаш даромадлар суммаси сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Маҳсулотдан нировард фойдаланиш босқичида ва миллий даромадни нировардда фойдаланиш босқичида (нировард фойдаланиш усули) ЯИМ қуйидаги компонентларнинг, яъни таркибий қисмларнинг суммаси сифатида аниқланади: товарларнинг ва хизматларнинг нировард истеъмоли, ялпи жамғарма, товарларни ва хизматларни экспорти ва импорти сальдоси (қолдиғи).

ЯИМни ва унинг компонентларини жорий нархлардан доимий нархларга қайта ҳисоблаб қўйиш ишлаб чиқариш усули ва нировард фойдаланиш усули билан амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш усули асосида ЯИМни доимий нархларда чиқариб олиш икки марталаб дефлятлаш усули деб аталади, чунки у даставвал ялпи чиқаришни доимий нархларда баҳоланишини тақозо қилади, сўнгра эса оралиқ истеъмолнинг доимий нархлари маромида баҳоланишини тақозо этади. Ушбу усулда ҳисоблаб қуйидагича амалга оширилади: доимий нархлардаги чиқариш минус доимий нархлардаги оралиқ истеъмол

плюс маҳсулотларга ва импортга солинган солиқлар минус маҳсулотларга ва импортга доимий нархларда берилган субсидиялар.

Пировард фойдаланиш усули бўйича доимий нархлардаги ЯИМ доимий нархларда баҳоланган пировард истеъмол харажатларидан, ялпи жамғармадан ва соф экспортдан таркиб топади.

Бозор маҳсулотларини (товарларни ва хизматларни) қайта ҳисоблаб чиқиш тегишли нарх индекслари бўйича амалга оширилади. Доимий нархлардаги бозор билан боғлиқ бўлмаган хизматлар мазкур хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ жорий (эксплуатацион) харажатларнинг нархлар индекслари ёрдамида жорийдан доимий нархларга қайта ҳисобланган харажатлари суммаси билан аниқланади. Бундай информациялар бўлмаган тақдирда экстрополяция усули қўлланади ва бунда базис қилиб олинган даврдаги харажатлар кўрсаткичи (масалан, бепул таълим учун қилинган жорий харажатлар) шу турдаги хизматлар ҳажмининг билвосита индексига (масалан, давлатга ёки маҳаллий ҳокимият органларига қарашли, яъни муниципиал ўқув юртлари ўқувчилари сонинг индексига) кўпайтирилади.

ЯИМ ва унинг таркибий қисмлари асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўплаб кўрсаткичлар аниқланади. Ишлаб чиқаришнинг макросатҳда иқтисодий самарадорлигини англатувчи энг муҳим кўрсаткичи ижтимоий меҳнат унумдорлигидир. У ЯИМнинг ва иш билан банд бўлганларнинг умумий сони нисбати билан аниқланади. Корхона ёки тармоқ сатҳида меҳнат самарадорлигини ялпи қўшилган қийматни ходимларнинг ўртача сонига бўлиш билан аниқлангани мақсадга мувофиқдир.

Интенсив омил сифатидаги меҳнат унумдорлигининг ва экстенсив омил сифатидаги иш вақти сарфининг ишлаб чиқариш натижаларининг ўзгаришига кўрсатадиган таъсири қуйидаги тизмага мувофиқ амалга оширилади (шу ўринда бир бутун ҳолдаги иқтисодиёт сатҳида):

$$\text{ЯИМ ўсиши} = \text{ЯИМ ҳисоб.} - \text{ЯИМ баз} = W_1 * T_1 - W_o T_o$$

бунда ЯИМ ҳисоб. - ҳисобот давридаги ЯИМ;

ЯИМ баз - базис давридаги ЯИМ;

W_1 ва W_o - тегишлича ҳисобот ва бизнес давридаги меҳнат унумдорлиги;

T_1 ва T_o - иш билан банд кишилар сони (иш вақти харажати).

Бу ҳолда ЯИМ меҳнат унумдорлигининг ўзгариши таъсири остита қуйидагича аниқланади:

$$\text{ЯИМнинг ўсиши (W)} = (W_1 - W_o)^* T_1$$

Иш билан банд кишилар сонинг (иш вақти ҳаражатининг) таъсири остидаги ЯИМнинг ўсиши қуйидаги тарзда ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ЯИМ ўсиши (T)} = (T_1 - T_o)^* W_o$$

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги бошқа муҳим кўрсаткичлар ёрдамида ҳам баҳоланади, буларнинг ичида капиталнинг наф келтириши ёки жамғармаларнинг наф келтириши (ишлаб чиқариш фаолияти натижаларининг ва ишлатилган сармояларнинг нисбати - асосий ва айланма жамғармаларнинг, шунингдек номоддий активларнинг йиғиндиси). ЯИМ ҳажми харажати (ЯИМ оралиқ истеъмоли нисбати) ва бошқалар бор.

1.1. Топшириқ

ЯИМ - бу а) мазкур давлат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган тайёр товарлар ва хизматлар қиймати;

б) мазкур давлат резидентлари томонидан реализация қилинган пировард товарларнинг ва хизматларнинг қиймати;

в) мазкур давлат резидентлари томонидан ишлаб чиқилган барча товарларнинг ва хизматларнинг қиймати;

г) мазкур давлатнинг иқтисодий ҳудудида ишлаб чиқарилган бозорга аталган ва бозорга аталмаган товарларнинг ва хизматларнинг қиймати;

мазкур давлат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган пировард товарларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

е) мазкур давлатнинг резидентлари томонидан ишлатилган бозорга аталган ва бозорга аталмаган товарларнинг ва хизматларнинг қиймати;

ж) мазкур давлат резидентлари томонидан уларнинг товарларни ишлаб чиқаришда ва хизматларни кўрсатишда иштирок этганликлари муносабати билан олган бирламчи даромадлари суммаси.

Жавобнинг тўғри вариантини топинг ва уни асослаб беринг.

1.2. Топшириқ

Қуйида санаб ўтилган даромадларнинг қайси турлари ЯИМни ҳисоблаб чиқаришда бирламчи даромадларга киради:

а) аҳолининг шахсий томорқаларидан оладиган даромадлари (маҳсулот реализация қилинмайди);

б) мамлакат фуқароларининг хорижий иш берувчилардан оладиган иш ҳақи (хорижий мамлакатлар элчихоналаридаги, савдо ваколатхоналаридаги ва ҳ.к. иш);

в) мамлакат шаҳарларидаги турар жой бўлмаган объектлар қурилишида вақтинча ишлаётган ажнабий ишчиларнинг иш ҳақи;

г) хорижий сармоя иштирокидаги фирмаларда ишловчи юртдошларимизнинг оладиган иш ҳақлари (иш ҳақи хорижий мамлакатлар валютасида, сўмда берилади);

д) хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган корхоналар томонидан олинадиган фойда;

е) аҳолининг ўзига тегишли қўзғалмас мулкларни сотишдан олган пул даромадлари;

ж) ижарага берувчига келиб тушган ижара тушумларининг ҳамма суммаси.

1.3. Топшириқ

Қуйида санаб ўтилган уй хўжаликлари харажатларидан қайсилари пировард истеъмолга қилинган харажатларга киради;

а) заргарлик буюмларини, қимматбаҳо антиквар молларни ва шу кабиларни харид қилиш учун қилинган харажатлар;

б) хонадон учун тўланган ҳақ;

в) сотиб олинган автомабилларнинг пули;

г) уйларни ва хонадонларни сотиб олиш;

д) эктр энаргияси ва иситиш учун бажарилган тўловлар;

е) уруглик ва озуқалар сотиб олиш;

турар жой биноларини эгаллаб турганликлари учун уй хўжаликлари томонидан тўланадиган солиқлар;

з) истеъмол кредити учун тўлаанадиган фойизлар;

и) паспортни расмийлаштириш учун бериладиган тўловлар;

к) қарзга сотиб олинган истеъмол товарларининг қиймати;

л) иш берувчилар томонидан ўз ходимларига меҳнатлари учун ҳақ тариқасида берилган озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати.

1.4. Топшириқ

Қуйида санаб ўтилганлардан қайсиниси асосий капиталнинг асосий жамғармаларнинг ялпи жамланишининг ҳисоб-китобига киритилишини аниқланг;

а) геология-қидирув харажатлари;

б) уй хўжаликларини томонидан автомобилларнинг харид қилиниши;

в) корхоналар томонидан автомобилларнинг харид қилиниши;

г) ирригация шаҳобчаларининг ишга туширилиши;

д) ер сотиб олиш;

е) қимматбаҳо нарсаларнинг (заргарлик молларининг, суратларнинг ва шу кабиларнинг) харид қилиниши;

ж) жиҳозларни капитал таъмирлашга қилинган харажатлар;

э) дастурий таъминотни сотиб олиш учун кетган харажатлар;

и) уй хўжаликларининг видео-аудио техникани сотиб олиш учун қилган харажатлари;

к) қурилишдаги тугатилмаган ишлар.

1.5. Топшириқ

Тайёр саноат маҳсулотларини сотишдан олинган пул 250 млрд.сўмни ташкил қилади, шу жумладан ҳисобот даврига қадар жўнатилган тайёр маҳсулот пули - 25 млрд.сўмдир. Маълумки, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар суммаси 150 млрд.сўмни ташкил қилган бўлиб, шундан 35 млрд. сўмлиги четга реализация қилинган ва 100 млрд. сўмини қайта ишланган. Саноат хусусиятидаги четдан тушган буюртмаларга мувофиқ ишлар миқдори 30 млрд. сўмгаа етказилмаган ишлаб чиқариш қолдиғи (корхона нархига қайта ҳисоблашда) ҳисобот даврининг бошига олганда 45 млрд, сўмни ташкил қилган бўлса, унинг охирига келиб 55 млрд сўмга кўпайган.

Қуйидагиларни аниқланг:

а) кўриб чиқилаётган давр мобайинидаги ялпи саноат ишлаб чиқаришини (ялпи ишлаб чиқаришни);

б) чиқаришдаги тайёр саноат маҳсулотнинг ҳиссасини (улушини);

в) маҳсулотларни (хизматларни) ҳисобот даври мобайинда реализация қилинидан олинган пул маблағларини;

г) ҳисобот даврига тегишли бўлган ялпи айланмани (корхонанинг барча бўлинмалари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажми йиғиндиси сифатидаги ялпи айланмани).

1.6. Топшириқ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг миқдори бир йил ичида қуйидаги маълумотлар билан тавсифланган (млн.сўм)

Маҳсулот турлари	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар			
	Нодавлат корхоналар	Давлат корхоналари	Фермер хўжаликлари	Ёрдамчи хўжаликлар
Дон экинлари	854,00	6,00	125,00	4,54
Пахтачилик	72,00	0,20	5,40	0,16

Картошка ва сабзавотлар, полиз маҳсулотлари	243,00	2,90	3,10	48,01
Озуқабоп экинлар	23,00	1,50	6,20	0,03
Мевалар ва резавор мевалар	19,00	0,25	13,00	0,30
Кўп йиллик экинлардан олинадиган маҳсулотлар	0,55	0,04	0,10	0,09
Поёнига етказилмаган ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар (кўпайиш +, озайиш -)	+2,80	-0,05	-0,20	0
Уй ҳайвонлари туққан бола, ўсиши ва семириши:				
Йирик шохли қорамоллар	98,00	2,50	14,00	16,70
чўчқалар	66,00	2,10	5,40	15,22
қўй ва эчкилар	29,00	0,10	4,80	0,40
паррандалар	8,40	0,03	0,22	1,80
сигир сути	176,00	4,40	25,00	39,10
Қўй сути	2,80	0,01	0,45	0
Қўй жуни	27,00	0,05	4,20	0,34
Тухум	8,20	0,02	0,18	1,69
Қуёнчилик маҳсулотлари	1,60	0	0	0,04
Асаларичилик маҳсулотлари	1,20	0	0	,08
Балиқчилик маҳсулотлари	1,20	0	0	0

Қуйидагиларни аниқланг:

а) деҳқончилик, чорвачилик ва умуман қишлоқ хўжалигига маҳсулотларини (*ялпи чиқаришни*), яъни деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини, шунингдек турли тоифадаги хўжаликлар чиқарган маҳсулотларни;

б) қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича, маҳсулотлар турлари бўйича ва хўжаликлар тоифалари бўйича маҳсулот таркиби кўрсаткичларини.

1.7. Топшириқ

Ҳисобот йилида қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади (млн.сўм ҳисобида)

Бажарилган қурилиш, монтаж, геология-қидирув, бурғилаш ишлари миқдори	12600
Қуриб битказилган объектларнинг ишга туширилиши	15000
шу жумладан ўрнатилган жиҳозлар қиймати	2700
Поёнига етказилмаган қурилиш ишлари: йилнинг бошига	120
йилнинг охирига	420
Поёнига етказилмаган қурилиш ишлаб чиқариши: йилнинг бошига	150
йилнинг охирига	90
Асосий жамғармаларнинг капитал таъмирланиши	540
шу жумладан жиҳозларнинг капитал таъмирланиши	120

Қуйидагиларни имкони бўлган икки усул билан аниқланг:

а) бажарилган капитал қўйилмалар ҳажмини;

б) қурилиш маҳсулотларини (ялпи чиқаришни)

1.8. Топшириқ

Чакана савдо тўғрисида қуйидаги маълумотлар бор:

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври
Чакана товар айланмаси	11600,0	14500,0

Реализация қилинган устама, товар айланмасига нисбатан%	9,3	9,1
Муомала харажатлари, товар айланмасига нисбатан% ҳисоб	7,4	7,3
Чакана нархлар индекси	100,0	120,0

Қуйидагиларни аниқланг:

а) чакана савдонинг базис қилиб олинган ва ҳисобот даврларидаги чиқаришни (маҳсулотни);

б) чакана савдо корхоналарининг олган фойдасини ва олинган фойданинг ҳисобот даврида базис даврига таққосланғандаги ўзгаришини (нархларнинг ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги реал ва номинал ўзгаришини);

в) чакана савдо чиқаришнинг (маҳсулотининг) ўсиш суръати (доимий нархлар асосида).

1.9. Топшириқ

Миллий иқтисодиёт секторларининг ва кичик секторларининг хўжалик юритувчи субъектлари молиявий-иқтисодий фаолияти тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд (млрд.сўм ҳисобида, рақамлар шартли)

1	Моддий ишлаб чиқариш корхоналари чиқариши	225
2	Номолиявий пулли хизматларни кўрсатувчи корхоналарнинг (турар жой хўжалигисиз) чиқариши	145
3	Бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари (асосий жамғармаларнинг эскиришисиз), ҳаммаси бўлиб	150
	шу жумладан мехнатга тўланган иш ҳақи	80
4	«Турар жой» тармоғи чиқариши	75
5	Молия-кредит муассасаларининг тақдим этилган хизматларидан чиқиши	35
6	Суғурта мукофотлари ва суғурта тўловлари: суғурта мукофотлари	45
	суғурта тўловлари (зараарларни қоплаш)	35
7	Майда, «Уй хўжалиги секторида кўриб чиқиладиган нокорпоратив корхоналарнинг даромадлари	55

	шу жумладан оралиқ истеъмолга сарфланадиганлари	35
8	Моддий ишлаб чиқариш корхоналарининг моддий харажатлари (эскириш, яъни амортизация харажатлари ҳам бунга қўшилади)	105
9	Моддий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан истеъмол қилинган номоддий хизматлар	55
10	Пулли хизматлар кўрсатадиган молиявий бўлмаган муассасаларнинг оралиқ истеъмол	65
11	Асосий жамғармаларнинг истеъмол қилиши (турар жой хўжалигисиз), ҳаммаси бўлиб	105
	шу жумладан номоддий хизматларни кўрсатадиган корхоналар бўйича	53
	шулардан бозор билан боғлиқ бўлмаган хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар бўйича	10
12	Молиявий воситачиликнинг билвосита ўлчанадиган оралиқ истеъмоли	101
13	Суғурта ташкилотларининг оралиқ истеъмоли	31
14	Турар жой хўжалигидан фойдаланиш бўйича ходимлар меҳнатига тўловларсиз умумий харажатлар (эскириш бунга киритилади)	71
	шу жумладан турар жой жамғармасининг эскириши	51
15	Озиқ-овқатларга солинган солиқлар	57
16	Озиқ-овқатларга берилган субсидиялар	
17	Импортга солинган соф солиқ	55
18	Хориждан келиб тушган бирламчи даромадлар сальдоси	(+)15

Қуйидагиларни аниқланг:

а) ишлаб чиқарилган моддий неъматларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмини (пировард ишлатишдаги нархларда);

б) умуман олганда ва фаолият соҳалари бўйича чиқаришни;

в) оралиқ истеъмолни, ялпи ва соф қўшилган қийматни - умуман ва фаолият соҳалари бўйича;

г) ялпи ва соф ички маҳсулотни;

д) ялпи ва соф миллий даромадни.

1.10. Топшириқ

Иқтисодиёт фақат А ва Б тармоқларга бўлинади, деб фараз қилайлик. А тармоқ (бевосита уй хўжаликларига реализация қилинадиган) истеъмол товарларини ва Б тармоқ учун ишлаб чиқаришда қўлланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Б тармоқ эса ўз навбатида инвестицион товарларни ишлаб чиқаради. Ташқи иқтисодий алоқалар фақат импортда тузилган деб шартлашиб олайлик. Қуйида келтирилган информацияларга асосан қуйидагилар талаб қилинади:

I вариант:

1. ишлаб чиқариш счетларини ва даромадларнинг ҳосил бўлишини тузинг, тармоқ сатҳида;
2. макростаҳда ишлаб чиқариш счетини тузинг;
3. бирламчи тақсимотнинг ва иккиламчи тақсимотнинг счетларини ва «Уй хўжалиги» сектори учун ихтиёрдаги бор бўлган даромадларнинг ишлатилишини тузинг.

II вариант:

1. ЯИМни уч усул билан - ишлаб чиқариш, тақсимот ва ниҳоят фойдаланиш усули билан аниқланг;
2. ялпи ва соф миллий даромадни аниқланг;
3. уй хўжаликларининг жамғармаларини аниқланг.

А тармоқ 600 млрд. сўмли истеъмол маҳсулотини ишлаб чиқарган ва аҳолига ҚҚС ҳисобига 20%га оширилган нархларда сотган: айни шу тармоқ Б тармоқ учун ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқарган ва 25 фоиздан иборат ҚҚС ҳисобга олинганда 500 млрд. сўмга сотган (яъни реализация қилган). Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида А тармоқ 300 млрд. сўмлик хом ашё ва материалларни сарфлаган, меҳнатга ҳақ сифатида 350 млрд. сўм биполар ва ер солиғига 120 млрд. сўм тўлаган, эскириш, яъни амортизация 150 млрд. сўмни ташкил қилган, хом ашёларнинг ва материалларнинг ўзида бор бўлган заҳиралар ҳисобидан сарфланганлигини назарда тутмоқ даркор.

Б тармоғи А тармоқ маҳсулотларини омборхоналарида (ярим фабрикатлар ва бутловчи ашёлар тариқасида) бирмун-

ча муддат сақлаган, шу давр мабойнида уларнинг нархлари икки баравар ортган. Сўнгра 300 млрд. сўмлик маҳсулот тўла-тўкис инвестицион товарларни ишлаб чиқаришга сарфланган ва А тармоқ маҳсулоти 15% ҚҚС қўшилган ҳолда реализация қилинган. Ярим тайёр маҳсулотларни ва бутловчи ашёларни харид қилиш учун қилган харажатларидан ташқари Б тармоқ заҳирада сақланаётган хом ашё ва ёқилғи материаллардан 10 млрд. сўмлик сарфлаган (уларнинг нархи ўзгармаган) меҳнатга иш ҳақи тўлашга 750 млрд. сўм, шу жумладан 250 млрд. сўм ажнабий ишчиларнинг иш ҳақи тариқасида ўтказиб берилган, биноларга ва ерга тўланган солиқлар суммаси 440 млрд. сўмни амортизацияга, яъни эскиришга ажратилган тўловлар 330 млрд. сўмни ташкил қилган.

Уй хўжаликлари, иш ҳақидан ташқари, бюджетдан 120 млрд. сўм миқдорда нафақалар олганлар, чет элдан келган трансферт пул тушумлари 40 млрд. сўмни ташкил қилган: фойизли тушумлар 60 млрд. сўмни ташкил қилган: шахсий даромад солиғи 150 млрд. сўм миқдорида тўланган.

Шуниси ҳам маълумки, 500 млрд. сўмни ташкил қилган импорт тўлиғича уй хўжаликлари томонидан пировард фойдаланишга ишлатилган: ажнабий ишчилар олган пул даромадларини банк тизимлари орқали ватанларига юборганлар.

Изоҳ. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қиймати ва барпо этилган даромадлар қиймати активларнинг инфляция натижасида қийматининг ортишидан иборат бўладиган «холдинг даромади»ни ўз ичига олмайди.

«Холдинг даромад»ни истисно қиладиган маҳсулот қийматини ҳисоблаб чиқаришнинг қуйидаги формуласи қўлланади:

$$H = R + L - M$$

бунда R маҳсулотни реализация қилиш (сотиш) қиймати;

L - заҳирага жўнатилган маҳсулотнинг маҳсулот заҳирага жўнатилган пайтдаги мавжуд бўлган нархларидаги қиймати;

M - заҳирадан олинган маҳсулотнинг улар заҳирадан олинган пайтдаги нархлар билан баҳолангандаги қиймати.

Агар сўз узоқ муддат омборхоналарда сақланаётган моддий айланма маблағларнинг ўзгаришини баҳолаш тўғрисида борадиган бўлса ва бу сақлаш даври мобайнида нархларнинг бирмунча ўсиши

содир бўлган бўлса (ўсиш З), унда қуйидаги келтириладиган формула бўйича «холдинг даромади» автоматик равишда ҳисоб этилади:

$$\text{Ўсиш } З = З_о - З_1$$

бунда Зо - заҳирага келиб тушган моддий айланма воситаларининг қиймати:

$З_1$ - омборхонада сақланган моддий айланма воситаларнинг улар ишлаб чиқариш жараёнига келиб тушган пайтдаги баҳоланиши.

1.11. Топшириқ

Ўзбекистонда нашр этилган статистик маълумотлар асосида қуйида чизмаси келтирилган жадвални тузинг:

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	1997	1998	1999	2000	2001
ЯИМ (амалдаги мавжуд нархларда	млрд.сўм					
ЯИМ жисмоний ҳажмининг индекси	ўтган йилги ҳисоб%					
Йилнинг сўнгидаги асосий жамғармалар (амалдаги мавжуд нархларда)	млрд.сўм					
Асосий фактларнинг физик ҳажми индекси	ўтган йилга нисбатан % хисоб					
Иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг ўртача бир йиллик сони	млн киши					

Қуйидагиларни ҳисоблаб чиқаринг:

а) кўрсатилган ҳар бир йил бўйича доимий нархлардаги ЯИМни 1993 йил нархларида ва бундан олдинги йил нархларида);

б) асосий жамғармаларнинг кўрсатилган ҳар бир йил бўйича ўртача йиллик қийматини (1993 йилдаги ва ҳар йилдан олдинги йиллардаги нархларда);

в) ЯИМнинг индекс - дефляторини (1992 йилга ва кейинги ҳар йилнинг олдинги йилига);

г) иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ва уларнинг динамикасини: меҳнат унумдорлигини, жамғарманинг наф келтиришини ва жамғармалар билан қуролланганлигини;

д) омилларнинг ЯИМнинг физик ҳажми динамикасига таъсирини (меҳнат унумдорлигининг ва иш билан бандларнинг таъсирини).

II БОБ

Миллий счетлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ кўрсаткичларнинг тизмидир.

ЯИМни уч усул асосида макроиқтисодий ҳисоб-китобларнинг интеграциялашуви (бирлашиб, кириишиб кетиши) МСТ учун асос бўлиб хизмат қилади. МСТнинг марказий вазифаси - асосий иқтисодий алоқадорликларни, иқтисодиётнинг таркибини, молиявий ресурсларнинг шаклланишини ва ишлатилишини, капиталнинг ҳаракатланишини акс эттиришдир. У кўрсаткичларнинг мувофиқлаштирилган кўрсаткичлари тизими воситасида (уларнинг ичида ялпи ички маҳсулот - энг аосийларидан биридир) ва стандартлаштирилган таснифлар ичидан қуйидагиларни белгилаймиз: иқтисодиёт секторлари бўйича институционал бирликлар; иқтисодий операциялар; иқтисодиёт тармоқлари.

Иқтисодий жараёнда ва хааражатларни молиялаштириш усулида бажарадиган фукциялари нуқтаи назаридан бир турли бўлган институционал бирликлар гуруҳлари секторларга (номолиявий корхоналар, молиявий муассасалар, давлат ташкилотлари, хўжаликларга хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларга) бирлашадилар. Булар чет эл олами билан олиб борилаётган иқтисодий ва молиявий алоқаларни акс эттирадилар.

Иқтисодий операцияларнинг таснифланиши товарлар ва хизматлар билан ўтказиладиган операцияларни, бирламчи тақсимот, қайта тақсимот, молиявий воситалар (қуроллар) билан ўтказиладиган операцияларни алоҳида ажратиб олишини наазарда тутади.

МСТда қўллаанадиган энг муҳим классификациялардан бири - барча турдаги иқтисодий фаолиятларнинг халқаро стандарт тавсифига мувофиқ барло этилган иқтисодиёт тармоқларининг таснифидир. Таснифловчи бирлик - бир жойда жойлашган ва у ҳақда информация олиш мумкин бўлган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти ва қилаётган харажатлари тар-

киби билан нисбатан бир турли бўлган бирликдир. Масалан, саноат корхонаси таркибида соф саноат фаолиятини, қурилиш фаолиятини, турар-жой коммунал хўжаликни, ёрдамчи қишлоқ хўжалигини ва ҳ.к. алоҳида қилиб ажратиш мумкин.

Кўрсаткичлар тизими ва таснифи МСТнинг қуйидаги блокларида (боғламларида) реализация қилинади:

* бир бутун ҳолдаги иқтисодиёт учун бирлашган (эркин) счетлар;

* иқтисодиётлар тармоқлари учун счетлар;ъъъъъъ

* «қолган олам» сектори учун бир-бирлари билан боғлиқ бўлган бир қатор счетлар.

МСТ бир бутун ҳолда содир бўлаётган иқтисодиётнинг мувофиқлашган умумий таърифини беради. МСТнинг бир қатор энг муҳим кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлигини қуйидагича ойдинлаштириб бериш мумкин:

1. Пировард фойдаланиш нархларидаги (пировард харидорнинг нархидаги) ялпи ички маҳсулот.

2. Хориждан олинган бирламчи даромадларнинг сальдоси.

3. Ялпи миллий даромад (1+2).

4. Хориждан олинган жорий трансфертлар сальдоси.

5. Ихтиёрда бўлган ялпи миллий даромад (3+4).

6. Миллий пировард истеъмол.

7. Миллий жамғариш (5-6).

8. Хориждан олинган капитал трансфертлар сальдоси.

9. Инвестицияларни молиялаштиришнинг умумий манбаалари (7+8).

10. Ялпи жамғарма (ЯИМнинг ишлатилиши элементи сифатида).

11. Ер ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган активларни харид қилиш учун сарфланган харажатлар (сотиш чегириб ташланганда).

12. Соф кредитлаш (соф ўзлаштириш) (9-10-11).

«Номолиявий корхоналар» (номолиявий корпорациялар) секторида чиқариш асосий нархларда, яъни хусусан ҚҚС ҳам таллуқли бўлган озиқ-овқатларга солинган солиқлар чегириб ташлаб аниқла-

нади. Оралиқ истеъмол ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё ва материалларни ўз ичига олади ва асосий жамғармаларнинг эскиришини ўз ичига олмайди. Даромадларнинг ҳосил бўлиши секторли счетларда ишлаб чиқаришга ва импортга солинадиган солиқлар фақат «ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар» қисмида (умуман олганда ишлаб чиқариш ва импорт солиғида, яъни соиқ-овқатларга солинадиган бошқа солиқлар ҳам умуман олганда иқтисодиёт сатҳида кўриб чиқилади). Ишлаб чиқаришга солинадиган бошқа солиқларга ишлаб чиқариш омилларидан ундириладиган солиқлар (масалан, биноларга солинадиган солиқлар, иш ҳақи жамғармасига солинадиган солиқ) киради, фойдадан ундириладиган солиқ жорий трансфертларга тегишли бўлади, кредит учун фоизлар эса корхоналар томонидан тўланадиган мулкдан олинадиган даромадларга тегишли бўлади. Капитал сармоялар отказишга ажратиладиган субсидиялар корхоналар томонидан олинадиган капитал трансфертлардир.

«Молиявий муассасалар» (молиявий корпорациялар) секторида банкларнинг чиқариши икки компонентлардан (таркибий қисмлардан) таркиб топади:

1) олинган ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқлар (билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари);

2) ёрдамчи молия хизматлари учун тўловлар. Оралиқ истеъмол таркибида жорий фаолиятни ташкил қилиш учун билвосита ишлатиладиган товарлардан ва кўриладиган хизматлардан ташқари яна биноларни ижарага олиш тўловлари ҳам ҳисобга олинади.

Бирламчи даромадларни тақсимлаш счетида банклар томонидан олинган ва тўланган фоизлар тегишлича мулкдан олинган ва ўтказиб берилган даромадлар сифатида кўрсатилади. Бунда «Мулкдан олинган даромадлар» молиявий воситачилик хизматларининг билвосита ўлчанадиган қийматига тузатиб қўйилмоғи даркор. Маориф мақсадларида ишлатиладиган жиҳозлар трансфертлари (совғалар ва шу кабилар) масалан мактаблар учун берилган компьютерлар) жорий трасфертлар сифатида кўрилиши мумкин (даромадларнинг иккиламчи тақ-

симотида акс эттирилади) шуига тегишлича ишлатишда - молиявий муассасалар бўйича, ресурсларда - агарда сўз бюджет ташкилоти ҳақида кетаётган бўлса - умумий давлат бошқаруви сектори бўйича кўрилиши мумкин. Хоналарнинг капитал таъмири асосий капиталнинг икки жамғарилишига киради.

Умумий давлат бошқарувининг (бюджет ташкилотларнинг) «Давлат муассасалари» секторида чиқариш жорий харажатлар миқдори билан аниқланади, бу харажатлар эса жорий фаолият жараёнидаги товарлар ва хизматлар истеъмолини (улар харид қилган миқдорда қабул қилинади), ходимларнинг меҳнатига тўланган ҳақни, асосий жамғармаларнинг эскиришини, шунингдек ишлаб чиқаришдан ундириладиган бошқа солиқларни (агар шундай солиқлар тўланган бўлса) ўз ичига олади. Бюджетга келиб тушадиган солиқлар ўз хусусиятларига кўра турли счетларда акс эттирилади: ишлаб чиқариш ва импорт солиқлари - бирламчи даромадларни тақсимлаш счетида ишлаб чиқаришга ва импортга солинадиган соф солиқ сифатида (корхоналарнинг кўрган зарарларини қоплаш учун ажартилган субсидиялар чегириб ташланган ҳолда) фойдадан ундириладиган солиқлар - иккиламчи тақсимлаш счетида олинган жорий трансфертлар сифатида. Пенсиялар, нафақалар ва степендиялар тўлови ўтказиб берилган жорий трансфертлардан иборат бўлади. Бюджетдан медицина (тиббиёт) жиҳозларини харид қилиш учун олинган маблағлар капитал трансфертлар таркибида кўрсатилмайди, чунки бу маблағларнинг сектор ичидаги (бошқарув муассасаларидан тиббиёт муассасаларига, яъни бюджетдан маблағ ажратиладиган муассасалардан айни шу каби муассасаларга) харакатланишидир. Капитал хусусиятидаги (бошқа секторлардан) совғалар бир вақтнинг ўзида олинган капитал трансфертлар таркибида ҳам, асосий капиталнинг ялпи жамғарилишида ҳам ҳисобга олинмоғи даркор.

Якка тартибда врачлик, педагогик, адвокатлик каби) фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия тўлови ишлаб чиқаришга солинадиган бошқа солиқларга таллуқли бўлади. Истеъмол товарларини, шу жумладан узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш, кўрсатилган хизматлар пулини тўлаш пировард истеъмол харажатларига киради, уйларни харид қилиш эса (тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш манбаасининг қандай бўлишидан хусусий ёки қараганлигидан қатъий назар)асосий капиталнинг ялпи жамға-

рилишига тегишли бўлади. Аҳоли томонидан уй сотиб олиш учун олинган кредитлар мўлилвий счетда (мажбурият сифатида) акс эттирилмоғи даркор.

2.1. Топшириқ.

Номолиявий корхоналар (А - товарлар ишлаб чиқарувчи, Б - бозор хизматларини кўрсатувчи) бўйича бир йиллик даромадлар, харажатлар, фойдаларни сарфлаш тўғрисида ва улардан кўриб чиқиладиган даврнинг бошланишига ва охирги бўлган ҳолатдаги моддий оборот маблағларининг борлиги тўғрисида (млрд.сўм ҳисобида, рақамлар шартли) қуйидаги маълумотлар мавжуд:

I. Даромадлар (тушумлар)	А	Б
Реализациядан тушган пуллар	220,6	200,0
шу жумладан қўшилган қиймат солиғи ҳам (ҚҚС)	40,0	18,0
Асосий жамғармаларни сотишдан тушумлар	30,0	10,0
Банкдаги счетлар бўйича фойизлар	2,5	1,5
Корхонага суғуртачи сифатида суғурталовчидан келиб тушган маблағлар - суғурта компаниялари позицияларидан	2,0	1,0
Олинган жарималар	1,0	1,5
Бюджетдан тушумлар: ишлаб чиқарувчига давлат томонидан маҳсулот нархини таннархдан паст белгиланганлик учун кўрилган зарарларнинг қопланиши	2,0	
Ногиронлар меҳнатидан фойдаланганлик учун бериладиган давлат қоплов пуллари	1,2	
Инвестицияга берилган дотациялар (капитал сармоя қўйишга берилган давлат маблағлари)	12,0	5,0
II. Корхоналар миқёсида ишлаб чиқариш харажатлари сифатида кўриб чиқиладиган харажатлар		
Хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия	150,0	70,0
шу жумладан ҚҚС	15,0	16,0
Асосий иш ҳақи	30,0	16,0

Ихтиёрий суғурта жамғармаларига ўтказиб бериладиган мажбурий тўловлар	6,0	2,5
Хизмат сафарларига қилинадиган харажатлар: суткали харажатлар	1,5	0,8
йўл ҳақи ва меҳмонхоналар учун тўловлар	2,0	1,0
Ижара тўовлари: ердан фойдаланганлик учун	3,0	
бинолардан ва иншоотлардан фойдаланганлик учун	2,0	
машиналар, механизмлар ва транспортлар воситаларидан фойдаланганлик учун	1,8	1,5
Реклама харажатлари	3,0	1,6
Банклар хизматлари учун тўловлар	0,6	0,3
Суғурта ташкилотлари хизматлари учун берилади-ган ҳақ	0,6	0,4
Кредит учун фойизлар	10,0	4,0
Корхонанинг суғурта тўловлари пулини тўлаши (суғурталовчига суғурта мукофоти)	3,0	2,0
Бинолариинг эгаларидан ундириладиган солиқ-лар	4,0	1,0
Транспорт воситалари эгаларидан ундирилади-ган солиқ	3,0	3,0
Импорт божлари	3,5	2,5
Экспорт божлари	2,0	
Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун бюджетга бажариладиган ажратмалар (сувдан, ўрмондан фойдаланганлик учун тўловлар ва ҳ.к.)	3,0	
Тўланган жарималар:		
бюджетга	0,5	0,4
бошқа корхоналарга	1,2	
Амортизация (эскириш)	8,0	5,0
III. Фойданинг ишлатилиши		
Фойда солиғи	6,0	3,0
Ишчи-хизматчиларга берилган мукофотлар	4,0	1,8

Ишчи хизматчиларга берилади ган девидендлар	1,5	1,0
Овқатланиш учун бериладиган дотациялар		
Дам олиш уйларига, санаторийларга ва шу кабиларга йўлланмалар ҳақининг тўланиши	1,0	0,5
Корхонанинг собиқ ишчиларига оладиган пенсиялари устидан тўловлар	0,7	0,3
Корхона ходимларининг ўқув юртларида ўқиганликлари учун берилган тўловлар	0,3	
Корхона балансида турган ижтимоий-маданий объектларга (турар жойларга, клубларга, дам олиш уйларига, туристик ва спорт базаларига, болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш базаларига ва шу кабиларга) сарфланган харажатлар	0,6	4,0
Капитал қурилиш	5,0	4,0
Жиҳозлар сотиб олиш	6,0	2,6
Патентлар, лицензиялар сотиб олиш:	0,5	
уларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар	0,1	
IV. Мол-мулкни бепул ўтказиб бериш	2,5	1,8
V. Моддий айланма маблағларининг мавжудлиги		
Ишлаб чиқариш заҳиралари йилнинг бошига	10,0	5,0
йилнинг охирига	14,0	7,0
Йилнинг охирида сотилмай қолган йиллик маҳсулот		
йилнинг бошига	25 0	
йилнинг охирига	30 0	

1. Аниқланг; «Нефт корхоналари сектори учун асосий кўрсаткичларни (товар ишлаб чиқарувчи А гуруҳдаги корхоналар гуруҳи учун ва Б гуруҳдаги бозор хизматларини кўрсатувчи корхоналар учун ҳам);

а) асосий нархлардаги ва ишлаб чиқарувчилар нархларидаги чиқаришга;

б) оралиқ истеъмолни;

в) ялпи ва соф қўшилган қийматни;

г) ёлланган ходимларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни, шу жумладан иш берувчиларнинг (корхоналарининг) ҳақиқий иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмаларининг шартли ҳисоб-китобларни;

д) солиқлар ва субсидиялар (ҳаммаси бўлиб, шу жумладан маҳсулотга ва бошқа солиқлар ва ишлаб чиқаришга субсидиялар);

е) мулкдан олинган ва бажарилган даромадлар;

ж) олинган ва ўтказиб берилган капитал трансфертлар;

з) олинган ва ўтказиб берилган капитал трансфертлар;

и) ялпи ва соф жамғармалар, шу жумладан асосий жамғармаларнинг (асосий капиталнинг) ялпи ва соф жамғармаси, моддий айланма маблағларнинг заҳиралари ўзгариши.

2. Сектор учун (имкон бўлса кўрсатилган икки корхоналар гуруҳининг ҳар бири учун қуйидаги асосий счетларни куринг: ишлаб чиқариш счетини, даромадларнинг ҳосил бўлиши счетини, бирламчи даромадларининг тақсимланиши счетини, ихтиёрдаги даромадни ишлатиш фондини, капитал билан операциялар ўтказиш счетини.

Изоҳ. Бозор шароитидаги чиқаришни асосий нархларда баҳоланиши, бунинг иложи бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчилар нархида баҳоланиши тавсия этилишини унутманг. Асосий нарх - бу ишлаб чиқарувчи томонидан товарлари ёки кўрсатган хизматлари учун оладиган ҳақ бўлиб, маҳсулотга тўланадиган ҳар қандай солиқлар ва маҳсулотга бериладиган субсидиялар истисно этилади. Ишлаб чиқарувчиларнинг нархи - ишлаб чиқарувчи томонидан товарлар ва хизматлар учун оладиган нарх бўлиб, унга маҳсулотларга солинадиган солиқлар ҳам (қўшилган қиймат солиғи ва импорт солиғидан ташқари) киритилади, бироқ маҳсулотга субсидиялар қўшилмайди.

Оралиқ истеъмол пировард харидор нархида баҳоланади ва унга барча савдо трансферт устамалар ҳам қўшилади. Агарда ҚҚС корхона томонидан реализация қилинаётган маҳсулотга ҳисоблаб қўйилган ҚҚС суммасидан чиқариб ташланиши даркор бўлса, ҚҚС қўшилмайди.

Ялпи ва соф қўшилган қиймат, ялпи ва соф асосий жамғармаларнинг (асосий капиталнинг) жамғармаси асосий жамғармаларнинг (асосий капиталнинг) истеъмол қилинганлиги қийматига фарқ

қиладилар. Бу ерда асосий жамғармаларнинг истеъмол қилинганлиги қиймати кўриб чиқилаётган вақт давомида амортизация (эскириш) миқдорига тенглаштирилади.

2.2. Топшириқ.

Йил давомида молия муассасаларнинг (шу ўринда банклар ва суғурта ташкилотлари назарда тутилади) олган даромадлари ва қилган харажатлари тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд.(млрд. сўм ҳисобида, ақамлар шартли)

Кўрсаткичлар	Банклар	Суғурта ташкилотлари
1	2	3
1. Даромадлар Берилган кредитлар бўйича фойизлар:		
корхоналарга	410	
бошқа банкларга	15	
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига	60	
аҳолига	15	
Тақдим этилган хизматлар учун олинган даромадлар (комиссион йиғимлар)		
корхоналарга	17	
аҳолига	3	
Суғурта муокфотлари: корхоналардан		90
аҳолидан		150
Шулардан: ҳаётни суғурталашдан		120
суғуртанинг бошқа визаларидан		30
Инвестициялашдан олинган даромадлар: банкларнинг хусусий маблағларини		34
суғурта ташкилотларининг ҳаётни суғурталашдан		16

II. Харажатлар Қуйидагилар бўйича тўланган фойизлар бўйича корхоналарнинг қўйган омонатлари бўйича	130	
корхоналарнинг ҳисобварақлари бўйича	39	
суғурта ташкилотларининг счетлари бўйича	16	
бошқа банкларнинг кредитлари бўйича	15	
қуйидагиларга тўланган суғурта қопловлари: корхоналарга		70
аҳолига		120
Булардан: ҳаётни суғурталаш бўйича		100
суғурталашнинг бошқа турлари бўйича		20
Асосий иш ҳақи	120	25
Ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар	40	20
Пулларни, қиймати қоғозларни тайёрлаш бўйича хараҳатлар	20	
Қийматли бойликларни ташиш бўйича харажатлар	12	
Почта харажатлари	13	7
Информацияларни қайта ишлаб бўйича хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари		10
Реклама харажатлари	12	8
Кўриклаш бўйича харажатлар	15	3
Биноларга қилинган ва таъмирлаш харажатлари	23	7
Биноларни капитал таъмирлаш харажатлари	17	13
Лицензия учун тўловлар	16	5
Биноларга эгалик қилиш солиғи	12	4
Биноларни ижарага олиш харажатлари	9	3
Даромаддан ундириладиган солиқ	68	14
Амортизация, яъни эскириш (бу ўринда асосий жамғармаларнинг истеъмол қилини-	66	12

I. Даромадлар (миллий ҳисобчиликнинг ҳозирги замон услубиятига мувофиқ шартли ҳисоблаб қўйилган даромадлар ҳам қўшилади)	
Иш ҳақи	2000
Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар	1600
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган пуллар	650
Шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бозорга мўлжалламай ишлаб чиқариш - шартли ҳисоблаб чиқарилган даромаднинг тури)	900
Уйларни, хонадонларни сотишдан тушган даромадлар	160
Уйлар қурилишига бериладиган субсидиялар (бюджет маблағлари ҳисобидан)	90
Банкка қўйилган жамғармалар бўйича фойизлар	115
Дивидендлар	35
Ҳаётни суғурта қилиш бўйича резервларни инвестиция қилишдаги олинган даромад («Уй хўжалиги секторига» ҳисоблаб қўйилган)	16
Суғурта бўйича тўловлар (қоплашлар)	120
шу жумладан ҳаётни суғурталаш бўйича	80
Ўз турар жой биносида шартли равишда ҳисоблаб чиқарилган хизматларнинг қиймати (шартли ҳисоблаб чиқарилган даромад)	130
Иш берувчиларнинг ижтимоий суғурталашга мажбурий ажратмалари (шартли ҳисоблаб чиқилган даромад)	240
Натура шаклдаги ижтимоий трансфертлар	100
Пенсиялар, нафақалар, степендиялар: ижтимоий суғурта давлат жамғармаларидан	400
корхоналардан	15
II. Харажатлар (шартли баҳоланганлари ҳам ҳисобга киради)	
Озиқ-овқат маҳсулотларини, кийим-бошларини, бошқа узоқ вақт фойдаланилмайдиган истеъмол товарларни харид қилиш	1000
Мебелларни, маиший шароитда ишлатиладиган техникаларни сотиб олиш	200

Автомабилларни сотиб олиш	150
шу жумладан тадбиркорлик фаолияти учун	50
Чорва ҳайвонларини сотиб олиш	60
Тадбиркорлик фаолияти учун материаллар сотиб олиш	210
Ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ ххўжалик маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (шартли равишда ҳисоблаб чиқарилган даромад миқдорига тўғри келадиган шартли хисоблаб чиқарилган харажатлар)	100
шу жумладан унинг 30 фойизи ишлаб чиқариш мақсадларига сарфланган (ўқувчилар томонидан топшириқ шартларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	?
Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларни харид қилиш турар-жой ва маиший хизматлар ҳақини тўлаш	190
Театрларга, кинога ва музейга қилинган харажатлар	100
Банклар кўрсатган хизматлар ҳақини тўлаш	3
Суғурта хизматлари ҳақини тўлаш	30
шу жумладан: ҳаётни суғурталаш бўйича	20
суғурталашнинг бошқа турлари бўйича	10
Уйларни, хонадонларни сотиб олиш	300
шу жумладан янги қуриб битказилганларини сотиб олиш	200
Турар жойларнинг эскириши (изонс)	38
Даромад солиғи	600
Уйларнинг, хонадонларнинг эгаларидан олинадиган солиқ	70
Мерос олганлик учун ундириладиган солиқ	15
Банкдаги жамғармаларнинг ўсиши	120
Облигациялар харид қилиш (сотилганлари чиқариб ташланганидан кейин)	20
Суғурта мукофатлари	150
ҳаётни суғурталаш бўйича	120
суғурталашнинг бошқа турлари бўйича	30
Кредит учун тўлаанадиган фойизлар	15
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган лицензион учун бериладиган тўловлар	40

Ижтимоий ташкилотларига берилган бадаллар	81
«Ўзининг хусусий уйида яшаш бўйича хизматлар» истеъмоли (ўқувчиларнинг ўзлари топшириқ шартларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаб чиқарадилар)	?

1. Молиявий муассасалар сектори учун қуйидаги асосий кўрсаткичларни аниқлаб беринг: а) чиқиш; б) оралиқ истеъмол; в) ялпи ва соф қўшилган қиймат; г) ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар; д) мол-мулкдан даромадлар - олинган ва ўтказиб берилган; е) жорий трансфертлар - олинган ва ўтказиб берилган; ж) пировард истеъмолга қилинган харажатлар; з) ҳақиқий пировард истеъмол; и) капитал трансфертлар - олинган ва ўттказиб берилган; ялпи ва соф жамғарма.

2. «Уй хўжалиги» сектори билан ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан корреспонденцияда бўладиган кўрсаткичларни ажратиб беринг.

3. «Уй хўжалиги» сектори учун қуйидаги асосий счетларни кўринг: а) яшлаб чиқариш счетини; б) даромадларнинг ҳосил бўлиши счетини; в) бирламчи даромадларни тақсимлаш счетини; г) даромадларни иккиламчи тақсимлаш счетини; д) тузатишлар киритилган ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш билан ўтказилган операциялар счетини.

2.4. Топшириқ.

Турли институционал бирликларнинг ҳисобот давридаги қуйида келтирилаётган даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги информациялар асосида счетлар тизимини матрица шаклида (институционал секторлар бўйича операциялар кўриниши да) қуринг:

1. Студентлар (шартли пул бирликларида) стипендия олдилар:	200
Студентлар иш ҳақи олдилар	300
Студентлар грант олдилар	20
2. Студентларнинг қуйидаги мақсадларга қилган харажатлари (шартли пул бирлигида) қуйидагича бўлган:	

мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишга	150
хориждан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишга	50
солиқлар	15
3. Студентларнинг қолган даромадлари (бошқа бутун аҳолининг даромадлари каби) депозит счетга келиб тушган	
4. Номолиявий корхоналар ишлаб чиқарган ва реализация қилган маҳсулот (шу ўринда соддалаштириш мақсадида оралиқ истеъмол нолга тенг деб олинган	600
5. Номолиявий корхоналарнинг маҳсулотларини реализация қилишдан олган даромади қуйидагиларга сарфланган: ишлаётган студентларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга	300
бошқа тоифадаги ишловчи аҳолининг иш ҳақига	200
солиқ тўлашга	10
6. Номолиявий корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар қуйидагиларга сарфланган: студентларнинг истеъмол қилишига	150
аҳолининг бошқа тоифалари истеъмолига	250
номолиявий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қолган қисми экспортга чиқарилган	

Эслатма: Масаланинг ечими жадвал кўринишида расмийлаштирилсин, бунда «эга» қуйидагиларни акс эттиради:

I. Товарлар ва хизматлар билан ўтказилган операцияларни.

II. Бирламчи даромадлар билан ўтказилган операцияларни.

III. Қайта тақсимлаш операциялари.

IV. Молия институтлари билан ўтказилган операцияларни.

V. Жами.

Жадвалнинг «кесими» қуйидаги кўринишга эга бўлади (1-ишлатиш, 2-ресурслар):

А	Б	В	Г	Д	Е	Ж
Номолиявий корхоналар	Молиявий муассасалар	Давлат ташкилотлари	Уй хўжалиги	Хаммаси бўлиб	Қолган одам	Жами
1:2	1:2	1:2	1:2	1:2	1:2	1:2

Ўқувчининг ўзлари мустақил аниқлайдилар.

Иқтисодий операцияларни кўрсатиб ёзиш учун масала шартларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги типдаги жадвал қурмоқ даркор:

	А 1:2	Б 1:2	В 1:2	Г 1:2	Д 1:2	Е 1:2	Ж 1:2
I II III IV							
V							

IV сатр билан Б устун кесишганда баланслаш бундай амалга оширилади: молиявий муассасалар учун молия институтлари билан операциялар бўйича ишлатишда счетнинг ресурслар қисмидаги иқтисодий операцияларнинг шировард натижаларини ифодловчи рақамнинг айни ўзи келтирилади. Ресурсларнинг баланслашни ва «Номолиявий корхоналар» сектори бўйича ишлатилиши А.1 устунининг IV сатр билан кесишганида амалга оширилади (счетда «Молиявий институтлар билан операциялар» счетининг ишлатилиши).

2.5. Топшириқ

Турли институционал бирликларнинг олган даромадлари ва қилган харажатлари тўғрисидаги қуйида келтирилган информациялар асосида ҳисобот даври учун матрица шаклидаги счетлар тизимини қуринг (институционал секторлар бўлимидаги операциялар кўринишда):

1	Студентлар олдилар (шартли пул бирликларида):	
	стипендия	3400
	иш ҳақи	5700
	грант	180
2	Студентлар қилган харажатлар (шартли пул бирликларида):	2850

	қуйидагиларга қуйидаги миқдорда бўлган: мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишга	
	хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишга	950
	солиқ тўлашга	285
3	Студентларнинг олган даромадларининг қолган қисми депозит счетга келиб тушган	
4	Номолиявий корхоналар ишлаб чиқарган ва реализация қилинган маҳсулотлар (бу ўринда соддалаштириш мақсадида оралиқ истеъмол нолга тенг деб олинган)	11400
5	Номоливий корхоналарнинг маҳсулотларни реализация қилишдан олган даромадлари қуйидаги мақсадларга ишлатилган: ишлаётган студентларга иш ҳақи тўлашга	5700
	ишлаётган аҳолининг бошқа тоифаларига иш ҳақи тўлашга	3800
	солиқ тўлашга	90
6	Номолиявий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қуйидаги мақсадларга ишлатилган: студентларнинг истеъмолига	2850
	аҳолининг бошқа тоифаларининг истеъмолига	4750
	Номолиявий корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг қолган қисми экспорт қилинган	

Эслатма. 2.4 топшириққа берилган услубий тушунтиришга қаралсин.

2.6. Топшириқ.

Маблағларнинг келиб тушиши ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларга асосланган ҳолда иқтисодиётнинг секторлари учун (1. Номолиявий корхоналар: 2. Молиявий корхоналар; 3. Бюджет ташкилотлари, яъни умумий давлат бошқаруви сектори бирликлари ва 4. Уй хўжаликлари учун) ишлаб чиқариш счетидан бошлаб капитал билан операциялар счетини ҳам қўшиб олган

ҳолда макети қуйида келтирилган эркин жадвал кўринишида счетлар тизимини қуринг:

(млн.сўм шартли пул бирлигида)

Иқтисодиёт сектори	1.Номолиявий корхоналар	2.Молия муассасалари	3.Бюджет ташкилотлари	4.Уй хўжаликлари
Ишлаб чиқариш счети				
Ресурслар				
Ишлатиш				
Капитал билан операциялар счети				
Ресурслар				
Ишлатиш				

Эслатма: «Молиявий муассасалар» сектори бўйича ресурс қисмида бирламчи ресурсларни даромадларни тақсимлаш счетида ўтказиб берилган мулкдан (тўланган мулкдан) олинган даромад билан ва мулкдан олинган даромадлар (олинган фойизлар) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган «Молиявий воситачиликнинг билвосита ўлчанадиган хизматларига тузатишлар» позицияси киритилади.

Иқтисодиётнинг ҳар қандай сектори счетлар қуришда ҳосил бўлиш счети даромадлар қаерда ҳосил бўлган, деган саволга жавоб беришига эътибор қаратилмоғи даркор. Бирламчи даромадларнинг тақсимоти счети кўриб чиқилаётган сектор учун молиялаштириш манбаи бўлган ишлаб чиқариш омилидан фойдаланганлик учун компенсация сифатидаги бирламчи даромадларни акс эттиради.

Юқорида кўрсатилган услубий эслатмаларни «Молиявий муассасалар» сектори мисолида ойдинлаштириб олайлик.

	Ресурслар	
1	Ялпи фойда (ялпи аралаш даромад)	300
2	Меҳнатга тўланган иш ҳақи	тўлдирилмайди
3	Ишлаб чиқаришга ва импортга солинадиган соф солиқлар	тўлдирилмайди
4	Хусусий мулкдан олинган даромадлар (олинган фойизлар)	2900
5	Молиявий воситачиликнинг билвосита ўлчанадиган хизматларига тузатишлар киритиш (6 сатр - 5 сатр)	-600=2300 -2900
	Ишлатиш	
6	Ўтказиб берилган хусусий мол-мулклардан даромадлар (тўланган фойизлар)	2300
	Бирламчи даромадлар сальдоси (1+2+3+4+5-6)	300

Номолиявий корхоналар ҳисобот даврида 19200 пул бирлигида маҳсулот ишлаб чиқарганлар ва сотганлар, аввалги даврда ишлаб чиқарилган хом ашё ва материалларни харид қилиш учун 5600 пул бирлиги сарфланган улардан ишлаб чиқаришга сарфланганлари миқдори 4800 бўлган. Автомашиналар асосий сотиб олишга 480 бирлик сарфланган, ишчиларга тўланган иш ҳақи 3200 ни, асосий жамғармалар амортизацияси 1600 ни ташкил қилган. Тўланган солиқлар: ҚҚС 3200, бинолларга - 1120, иш ҳақи жамғармасига - 800, фойдага - қилган. Бюджетдан инвестицион субсидиялар тариқасида 640 пул бирлиги олинган.

Молия муассасалари иқтисодиётнинг бошқа секторларидаги институционал бирликлардан кредит учун 26880 млн пул бирлигида фоиз ва кўрсатилган қўшимча молиявий хизматлар учун 320 млн пул бирлиги олган. Улар бошқа секторларнинг бирликлари учун депозитлар бўйича 24000 млн бирлик миқдорида фоизлар тўлаганлар. Олинган фойдадан жорий фаолиятни ташкил қилиш учун 480млн бирликни товарларнинг ва фойдаланилган хизматларнинг ҳақини тўлашга, ўз ишчи хизматчиларига 920млн бирликни, бинолар ижараси учун 640 млн бирликни тўлаганлар. Улар тўлаган солиқлар: бинолар учун 80 млн бирликни, фойдадан ундирилган солиқ 320

млн бирликни ташқил қилган. Булардан ташқари улар ўзларига қарашли бинолариниг капитал таъмирланиши учун 48 млн пул бирлигини сарфлаганлар ва мактабга 16 млн пул бирлигидаги компьютерларни совға қилганлар.

Бюджет муаассалари (давлат бошқаруви сектори бирликлари). Давлат бюджетига тушумлар 4320 млн.пул бирлигини, шу жумладан ишлаб чиқариш ва импортга солинган солиқлар-2880, фойда ва даромадлардан ундирилган солиқ-1440 млн. пул бирлигини ташкил қилган. Бюджетнинг маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасаларга сарфлаган харажатлари қуйидагиларни ташкил қилган: меҳнатга ҳақ тўлаш - 1600, жорий фаолиятни ташкил қилиш, товарларни харид қилиш ва фойдаланилган хизматлар ҳақини тўлашга - 800 млн.пул бирлиги сафрланган. Корхоналарга ишлаб чиқарган маҳсулотларини таннархидан пастроқ нархларда сотганликлари натижасида кўрган зарарларини қоплаш учун 1120 млн пул бирлигида субсидиялар тўланган, берилган пенсиялар нафақалар ва стипендиялар миқдори 960 млн пул бирлигини ташкил қилган. Бюджет ташкилотларнинг бинолари эскириши 160 млн пул бирлигига тўғри келган. Бюджет маблағлари ҳисобидан 320 млн пул бирлигига тиббиёт жиҳозлари сотиб олинган. Хориждаги хомий давлат университетига қиймати 80 млн пул бирлигига тенг келадиган телескоп совға қилинган. Мактаблар совға сифатида мамлакат банкларидан қиймати 16 млн пул бирлигига тенг бўлган компьтерларни олган.

Уй хўжаликлари. Аҳоли етиштирган ва сотган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 800 млнни ташкил қилган, бунинг учун сарфланган харажатлар: уруғлик, чорва ҳайвонларига озуқа сотиб олиш учун, ўғитлар учун 320 млн пул бирлигини ташкил қилган. Репититорлар берган хусусий сабоқлари учун олган ҳақ 160 млн сўмни ташкил қилган бўлса, лицензия учун улар 32 млн сўм сарфлаганлар. Аҳолнинг бошқа даромадлари қуйидагиларни ташкил қилган: меҳнатга иш ҳақи тўлаш - 3200, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар - 960, депозитлар бўйича фойизлар - 480 млн сўмни ташкил қилган. Шахсий даромад солиғи 288 млн сўм бўлган. Истеъмол молларини харид қилиш ва кўрсатилган хизматлар ҳақи тўлаш учун

аҳоли 2880 млн сўм сарфлаган, янги уйларни сотиб олиш учун 640 млн сўм сарфлаган бўлса, шу жумладан 320 млн сўми банкдан олинган кредитларни ташкил қилган.

III БОБ

Тармоқлараро баланс - миллий счетлар тизимининг муҳим бўлимидир.

Товарларни ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг ва фойдаланишнинг тармоқлараро баланси (ТАБ) - ҳозирги замон МСТнинг муҳим бўлими, тармоқлараро алоқаларни ўрганишнинг қуролидир. ТАБ кўплаб МСТни, шу жумладан ишлаб чиқариш счетларини, маорифнинг ва бирламчи даромадларнинг тақсимланиши счетларини, даромадларнинг ишлатилиши счетларяни ва капитал билан бажарилган операциялар счетини батафсил ёритиб беради.

ТАБ чизмасида асосий уч қисмни (квадрантларни) фарқлайдилар:

Оралиқ истеъмол (I квадрант)	Пировард фойдаланиш (II квадрант)
Ялпи қўшилган қиймат (III квадрант)	

I квадрантда («Шахмат жадвали») устунлар ва сатрларда иқтисодиёт тармоқларига таълуқли бўлган маълумотлар акс эттирилади: сатрлар бўйича - ҳар бир тармоқнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини, бажарган ишларини барча тармоқлар ўртасида тақсимланиши: устунлар бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматларни кўрсатиш юзасидан қилинган харажатлар акс эттирилади. Шундай қилиб, «Шахмат жадвали» фақатгина тармоқларнинг ўзаро алоқаларини тавсифлаб қолмай, оралиқ истеъмолни ҳам акс эттиради.

II квадрантдаги сатрлар маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчиларга тўғри келади, устунлар пировард ишлатиш категорияларидан иборат бўлади:

* пировард истеъмол (уй хўжаликларининг, бюджет ташкилотларининг, яъни умумий давлат бошқарув органларининг ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмолга қиладиган харажатлари);

* ялпи жамғариш (асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар заҳираларининг ўзгариши, бойликларни соф харид қилиш);

* товарларнинг ва хизматларнинг соф экспорти (экспорт, минус импорт).

III квадрантда ЯИМнинг қиймати таркиби тақдим қилинган. Сатрлар бўйича ялпи қўшилган қийматнинг асосий баҳолари компонентлари, яъни таркибий қисмлари, жумладан ёлланма ишчи-хизматчилар меҳнатига тўланган иш ҳақи, ялпи фойда, ялпи аралаш даромад ишлаб чиқариш билан боғлиқ солиқлар ва субсидиялар, яъни ишлаб чиқаришга солинадиган бошқа солиқлар, шунингдек маҳсулотга солинадиган солиқлар ва бериладиган субсидиялар акс эттирилади.

Шундай қилиб, вертикал бўйлаб ТАБ маълумотлари кўриб чиқиладиган бўлса, устунлар бўйича оралиқ истеъмолни (I квадрант) ва ялпи қўшилган қийматни (III квадрант)ни ўз ичига олувчи алоҳида олинган тармоқлар чиқаришнинг қиймат таркиби кўрсатилади. Горизонтал, яъни сатрлар бўйлаб оралиқ истеъмолнинг натурал-ашёвий таркиби (I квадрант) ва пировард фойдаланиш (II квадрант) акс эттирилади.

ТАБнинг асосий математик модели иқтисодий алоқаларнинг миқдор ифодасини акс эттирувчи липияли тенгламаларнинг тизимидир.

Агарда ТАБ маълумотларини сатрлар бўйлаб кўриб чиқиладиган бўлса, унда ҳар бир тармоқни қуйидаги тенглама кўринишида таърифлаш мумкин:

$$X_1 = \frac{\sum S^n}{j=1} aijxj + Y; \ , \ (3.1)$$

бунда X_1 - і тармоқнинг чиқариши (ялпи чиқариши) (сатр бўйича жами);

X_j - j тармоқнинг чиқариши (ялпи чиқариши) (сатр бўйича жами);

aij - і тармоқнинг j тармоқ маҳсулот бирлигига қилган бевосита хааражатлари коэффициенти (aij=Xij/ xj);

Yi - і тармоққа пировард талаб (і тармоқнинг ЯИМга қўшган улуши).

ТАБни устунлар бўйича кўриб чиқилаётганда ҳар бир тармоқ қуйидаги тенглама кўринишида тақдим этилиши мумкин:

$$Xj = \sum S^n aijxj + Zj \ , \ (3,2)$$

бунда Zj - j тармоқнинг ялпи қўшилган қиймати.

Умумий матрица шаклидаги тенглама (3.1) қуйидаги кўринишга эга:

X = Г X = Y, (3.3.)

бунда X - маҳсулот чиқариш вектори;

A - бевосита харажатлар коэффициенти матрицаси;

Y - пировард талаб вектори.

ЭҲМ ёрдамида ушбу матрица асосида бевосита ва билвосита маҳсулот бирлигига қилинган жами харажатларни қоплаб кетувчи тўлиқ харажатлар коэффициенти ҳисоблаб чиқарилади.

(3.3) тенгламасини қайта ҳосил қилиш йўли билан қуйидаги тенгламани оладилар:

$(E - A)^{-1} * Y = X$, (3,4)

бунда $(E - A)^{-1}$ тўлиқ харажатлар коэффициенти матрицаси.

(3.4) тенгламасиТАБнинг асосий тенгламаси деб аталади, чунки у мамлакатнинг таркибий тараққиётининг энг муҳим сифат ва таркибий хусусиятларини прогнозлашда (истиқболини тахминлашда) қўлланиши мумкин.

3.1. Топшириқ.

Фараз қилайлик, иқтисодиёт икки сектордан (тармоқдан) иборат ва бевосита қилинган харажатлар коэффициентлари (мат-

рицанинг ўлчамлиги 2x2) ва ҳар бир тармоқ бўйича (тармоқларнинг ҳар бири бўйича) қуйидаги маълумотлар мавжуд. Информациялар баланс жадвалида келтирилади: биринчи сатр бўйлаб даставвал 1-чи (a11) ва 2-чи (a12) маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфлаанадиган 1-чининг маҳсулотларининг бевосита харажатлари коэффициенти ва (Y11) маҳсулотига бўлган пировард талаб коэффициенти келтирилади ва (Y11) маҳсулотга бўлган пировард талаб қиймати келтирилади, иккинчи сатр бўйича 2-чи маҳсулотнинг 1-чи (a21) ва 2-чи (a22) маҳсулотларининг бирликларини ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар коэффициенти ва 2-чи маҳсулотга (Y22) пировард талаб қийматини келтирилади.

Бевосита харажатлар коффициентлари (aij)		Пировард талаб (Yij)
$^{a}11 = 0,2$	$^{a}12 = 0,5$	$Y_1 = 80$
$^{a}21 = 0,3$	$^{a}22 = 0,4$	$Y_1 = 20$

Аниқланг: иқтисодиёт бўйича умумий ялпи ишлаб чиқаришни ($X_1 + X_2$) ва ялпи чиқариш билан ИЯМнинг, ИЯМ ва оралиқ истеъмолнинг нисбатини.

Эслатма: Ҳисоб-китоблар учун баланс жадвалининг биринчи ва иккинчи сатрлари бўйича тармоқлараро балансининг математик модели тенгламасини ишлатган ҳолда тенглама қуриш даркор. Чиқаришга ва ИЯМга баҳо беришдаги фарқлар бу ўринда ва бошқа топшириқларда кўриб чиқилмайди.

3.2. Топшириқ.

Фараз қилайлик, иқтисодиёт икки сектордан (тармоқдан) иборат ва бевосита харажатлар коэффициенти тўғрисида (матрица ўлчами 2x2) ва ҳар бир сектор бўйича (икки тармоқнинг ҳар бир бўйича) пировард талаб миқдори тўғрисида қуйидаги информация мавжуд:

Бевосита харажатлар коэффициенти (aij)		Пировард талаб (Yij)
$^{a}11 = 0,35$	$^{a}12 = 0,55$	$Y_1 = 2600$
$^{a}21 = 0,25$	$^{a}22 = 0,35$	$Y_2 = 2400$

а) бутун иқтисодиёт бўйича ялпи чиқаришни (X_1+X_{21}) ва ялпи чиқариш билан ЯИМнинг, ЯИМ ва оралиқ истеъмолнинг нисбатини:

б) агар маҳсулот бирлигига қилинадиган бевосита харажатлар кўпаядиган бўлса, иқтисодиёт бўйича умуман ялпи чиқариш қанчага (фойиз ҳисобида) ўсади? 0,40га $^{a}21$ бўйича о,25дан 0,30га, $^{a}22$ бўйича 0,35дан.

Эслатма: 3.1. топшириққа берилган услубий тушунтиришга қаралсин.

3.3. Топшириқ

Фараз қилайлик, иқтисодиёт икки сектордан (тармоқдан) иборат ва бевосита қилинадиган харажатлар тўғрисида (матрица ўлчами 2x2) ва ҳар бир сектор бўйича (икки тармоқнинг ҳар бири бўйича) пировард талаб миқдори тўғрисида қуйидаги информациялар мавжуд:

Бевосита қилинадиган харажатлар коффициентлари (aij)		Пировард талаб (Xi)
$^{a}11 = 0,6$	$^{a}12 = 0,5$	$1 = 8600$
$^{a}21 = 0,3$	$^{a}22 = 0,2$	$2 = 1400$

Аниқланг:

а) бутун иқтисодиёт бўйича (X_1+X_2) ялпи чиқаришни ва ялпи чиқариш билан ЯИМнинг: ЯИМ билан оралиқ истеъмолнинг нисбатини.

Б) агарда $^{a}21$ 10 фойизга ўсадиган бўлса, $^{a}22$ коэффициенти эса 10 фойизга озаядиган бўлса, ялпи чиқариш ҳажмида ўзгариш содир бўлиши мумкинми, агар «ҳа» деб жавоб берадиган бўлсангиз, унда қанча миқдорга?

Эслатма: 3.1. топшириққа берилган услубий тушунтиришга қаралсин.

3.4. Топшириқ

Фараз қилайлик, иқтисодиёт икки сектордан (тармоқдан) иборат ва уларнинг ҳар бирининг бевосита харажатлар коэффициентлари тўғрисида (матрица ўлчами 2x2) ва ялпи чиқариш миқдори тўғрисида маълумотлар мавжуд. Информациялар баланс дажвалида келтирилади: биринчи сатрда 1-чи маҳсулотнинг биринчи ($^a11$ ва 2-чи ($^a12$) ва 1-чи (X_1) маҳсулотини ялпи чиқаришга қилинадиган бевосита харажатлар коэффициенти: иккинчи сатр бўйича 1-чи маҳсулот бирлигини ($^a21$) ва 2-чи маҳсулот бирлигини ($^a22$) ва 2-чи маҳсулот (X_2)ни ялпи чиқаришга қилинадиган 2-чи маҳсулотнинг бевосита харажатлари коэффициенти келтирилади.

Бевосита харажатлар коффициентлари (aij)		Пировард талаб (Xij)
$^a11 = 0,2$	$^a12 = 0,5$	$X_1 = 160$
$^a21 = 0,3$	$^a22 = 0,6$	$X_2 = X_3$ $(X_1 + X_2)$

Аниқланг:

а) иқтисодиёт бўйича бир бутун ҳолдаги чиқаришни ($Y_1 + Y_2$) ва ялпи чиқариш ва ЯИМ ўртасидаги нисбатни: ЯИМ ва оралиқ истеъмол ўртасидаги нисбатни.

Эслатма: Ҳисоб китобларни бажариш учун баланс жадвалининг биринчи ва иккинчи сатрлари бўйича икки тенгламани тузинг, бунинг учун тармоқлараро баланснинг математик модели тенгламасини ишлатинг (бу ҳолда маълум қийматлар сифатида пировард талабнинг кўрсаткичини эмас, балки ялпи чиқаришни олинг).

3.5. Топшириқ.

Фараз қилайлик, иқтисодиёт икки соҳадан (тармоқдан) иборат ва бевосита ҳаражатлар (матрица ўлчами 2x2) коэффициенти тўғрисида ва ҳар бир сектор бўйича (икки тармоқнинг ҳар бири бўйича) ялпи чиқариш қиймати тўғрисида қуйидаги информация мавжуд:

Бевосита харажатлар коффициентлари (aij)		Пировард талаб (Xij)
$^{a}11 = 0,35$	$^{a}12 = 0,55$	$X_1 = 11552$
$^{a}21 = 0,25$	$^{a}22 = 0,35$	$X_2 = 3_X \ (X_{11}+X_{22})+50401$

Қуйидагиларни аниқланг:

а) бир бутун ҳолдаги иқтисодиёт бўйича ялпи чиқаришни ($Y_1 + Y_2$) ва ялпи чиқариш билан ЯИМнинг: ЯИМ билан оралиқ истеъмолнинг нисбатини;

б) агарда $^{a}21$ маҳсулоти бирлигига қилинадиган бевосита ҳаражатлар о,25дан о,30гача, $^{a}22$ маҳсулоти бирлигига эса о,35дан о,40гача кўпайтириладиган бўлса, ЯИМ қанчага (фоиз ҳисобига) камаяди?

Эслатма: 3.4 топшириғига берилган методик тушунтиришга қаралсин.

3.6. Топшириқ

Фараз қилайлик иқтисодиёт икки сектордан (тармоқдан) иборат ва бевосита ҳаражатлар коэффиценти тўғрисида (матрица ўлчами 2x2) ва ҳар бир сектор бўйича (икки тармоқнинг ҳар бири бўйича) ялпи чиқариш миқдори тўғрисида қуйидаги информация мавжуд:

Бевосита харажатлар коффициентлари (aij)		Пировард талаб (Xij)
$^{a}11 = 0,6$	$^{a}12 = 0,5$	$X_1 = 1892$
$^{a}21 = 0,3$	$^{a}22 = 0,2$	$X_2 = \frac{X_{11} - X_{21}}{1,5}$

Аниқланг:

а) бир бутун ҳолдаги иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотини ($Y_1 + Y_2$) ва ялпи чиқариш ва ЯИМ нисбатини; ЯИМ ва оралиқ истеъмолнинг нисбатини;

б) агарда 2-чи ишлаб чиқариш маҳсулоти бирлиги учун 1-чи маҳсулоти бевосита ҳаражатлари 20%га камайдиган бўлса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўсаладими (ҳажми ҳара-

жати кўрсаткичи бўйича ЯИМ-оралиқ истеъмол: ЯИМ* 100%) - фоиз ҳисобида.

Эслатма: 3.4. топшириққа берилган тушунтиришга қаралсин.

3.7. Топшириқ.

Фараз қилайлик, иқтисодиёт икки секторлардан (тармоқлардан) иборат ва бевосита ҳаражатлар коэффиценти тўғрисида (матрица ўлчами 2x2) ва ҳар бир сектор бўйича (икки тармоқнинг ҳар бири бўйича) ялпи чиқариш тўғрисида қуйидаги информация мавжуд:

Бевосита харажатлар коффициентлари (aij)		Пировард талаб (Yij)
$^{a}11 = 0,25$	$^{a}12 = 0,35$	$X_1 = 2000$
$^{a}21 = 0,63$	$^{a}22 = 0,45$	$X_2 = 3_x (X_{11}+X_{22})+200$

Аниқланг:

а) бир бутун ҳолдаги иқтисодиёт бўйича ялпи ички маҳсулотни ($Y_1 + Y_2$) ва ялпи чиқариш ва ЯИМ нисбатини; ЯИМ ва оралиқ истеъмол нисбатини;

б) $^{a}12$ ва $^{a}22$ бевосита ҳаражатлар коэффицентларининг 10%га озайиши натижасида ЯИМ таркибининг ўзгаришини.

Эслатма: 3.4. топшириғига берилган тушунтиришга қаралсин.

II БЎЛИМ

ИҚТИСОДИЙ БАЛАНСЛАР

Меҳнат ресурслари ва ишчи кучига харажатлар баланси

Меҳнат ресурсларининг ва ишчи кучининг таркибини ва фойдаланишини атрофлича мажмуа ҳолда ўрганишнинг энг мукаммал усули меҳнат ресурслари ва ишчи кучининг балансидир. Мазкур баланс қурилиши ёрдамида меҳнат ресурслари ва ишчи кучининг шаклланиш манбалари, фаолият турлари, миллий хўжалик соҳалари ва тармоқлари, мамлакатнинг бошқа туманлари ўртасидаги ишчи кучларининг тақсимланишидаги муайян алоқалар ва нисбатлар очиб берилади, ишчи кучидан фойдаланиш ва уни такрор ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар тавсифланади.

Одатда бир йиллик қилиб тузиладиган меҳнат ресурслари балансининг принципиал чизмаси қуйидагича бўлиши мумкин:

	Йилнинг бошига	Ишга кирганлар	Чиқиб кетганлар	Йилнинг охирига	Бир йилда ўртача
Меҳнат ресурслари Иқтисодий фаол аҳоли -тармоқларга тақсимланган банд аҳоли -ишсизлар					
Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли					

Меҳнат ресурслари, ишчи кучи - иқтисодий фаолиятнинг асосий омили, кишилик жамияти тараққиётининг бирламчи асосидир. Меҳнат ва ишчи кучи бозорининг статистикаси иқтисодий статисти-

каниг муҳим таркибий қисмидир. Иқтисодий статистиканинг мазкур тармоғи меҳнат бозорида таркиб топаётган вазиятни баҳолашга ва олдиндан прогнозлашга, иш билан бандликнинг иқтисодий ўсишнинг йўналишига ва миқёсларига кўрсатадиган таъсирини баҳолашга имкон берувчи статистик усулларни ишлаб чиқади. Меҳнат бозори ва ишчи кучига қилинаётган харажатлар статистикасининг маълумотлари ишсизликни қисқартириш, ижтимоий сафарбарликни кучайтириш ва шу кабиларда ишлатилади. Олдинга қўйилган масалалар меҳнат ресурслари ва ишчи куч балансн билан поёнига етказиладиган кўрсаткичлар тизими билан ҳал этилади.

Ишчи кучига бўлган т а л а б статистикада иш билан банд бўлган кишилар сони ва вакансияни, яъни бўш ишчи ўринлари сонини қўшиш билан топилади.

Т а к л и ф иш билан банд бўлган кишилар сони билан ишсизлар сони қўшиш воситасида топилади. Иш билан банд бўлган ва ишсизлар иқтисодий жихатдан фаол кишилар га қўшилади. Иқтисодий фаол аҳоли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ишчи кучини таклиф қилувчи аҳолининг қисмидир.

Иқтисодиётда банд бўлган кишилар (банд кишилар) сони қуйидаги кишилар сони қўшиш билан топилади:

ҳақ олишининг эвазига ишга ёлланиб иш бажарувчилар, шунингдек мустақил равишда ёки алоҳида фуқароларда даромад келтирадиган ишлар билан банд бўлган кишилар (рўйхатдан ўтган иш билан бандлик бюроси орқали ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишлари билан банд бўлган ишсизлар, ўқув юртлари йўлланмаси билан ҳақ тўланадиган қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлган ўқувчилар ва студентлар бунга қўшилмайди);

-узрли сабабларга кўра вақтинча иш жойида бўлмаганлар (касаллиги, ҳар йили оладиган меҳнат таътили, ҳомиладорлик таътили, туғилган чақалоқ парвариши сабабли қонун йўли билан белгиланган таътилга чиққанлиги, қонун билан рухсат этилган иш ташлашларда иштирок этиш туфайли ишламай турганлар ва шу кабилар);

-оилавий корхонада ҳақ олмай иш бажарувчилар.

Ишсизлар деб ҳисобланадилар:

16 ёшга тўлган ва ундан ортиқ ёшда бўлган, кўриб чиқилаётган даврда

-ишга етмаганлар (даромад келтирадиган машғулот билан шуғулланмаган кишилар);

-иш қидириш билан шуғулланган (бунинг кўринишлари статистикада меъёрий хусусиятга эга бўлган тавсиф билан белгиланган бўлади);

-таклиф қилинганда дарҳол ёки миллий қонунчилик ҳужжатларида тилга олинган давр мобайнида ишга киришиб кетишга тайёр бўлган кишилар.

Ишсизлар таркибидан иш билан бандлик хизматида расман рўйхатга олинган ишсизлар алоҳида қилиб ажратиб олинади.

Аҳолининг иқтисоий фаоллиги даражаси - иқтисодий жиҳатдан фаол тегишли ёшдаги аҳолининг умумий аҳоли сонига ёки меҳнат ресурсларининг умумий сонига бўлган нисбати билан аниқланади.

Меҳнат ресурслари сони - инвалидларсиз меҳнатга лаёқатли бўлган (ишга қобил ёшдаги) кишилар плюс меҳнатга қобиллик (ишга яроқлилик) ёшидан ўтиб кетган бўлсада ишлаб турган кишилар сони.

Ишсизлик даражаси - ишсизлар сонининг иқтисоий жиҳатдан фаол аҳоли сонига бўлган нисбати билан аниқланади.

Иш билан бандлик мақомига (статусига) кўра иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) ёлланиб ишловчилар (фуқаролар ва харбий хизматчилар);

б) ёлланмасдан иш билан банд бўлган шахслар (якка тартибда ишловчилар; иш берувчилар; оилавий корхоналарда ҳақ олмай ишловчилар; жамоа корхоналари аъзолари).

Меҳнат ресурслари билан ишчи кучлари балансини тузишда дастлабки базани меҳнат ресурсларининг ҳаракатланишни ташкил қилади. Улар ҳисоб-китобларни бажариш нуқтаи назаридан аҳоли сонининг ўзгаришидаги кўрсаткичларнинг аналогиясидирлар. Хусусан, меҳнат ресурсларининг умумий ўсиши коэффициенти меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши коэффициенти билан механик ўсиши

йиғиндиси сифатида (шунингдек промилледа, яъни меҳнат ресурсларининг 1000 кишисига олинган ҳисобда) аниқланади:

К (Уўс) = К (Тўс) + К (Мўс)

Табиий ўсиш - бу меҳнат ресурсларининг табиий тўлати ва табиий камайиши ўртасидаги фарқлар. Механик ўсиш - меҳнат ресурслари оқими сальдосидир.

Ишчи кучи баланси - меҳнат ресурслари ва унинг бундан кейинги рақобати мувозанатининг таркибий қисмидир.

Ишчи кучи балансида ишчи кучини алоҳида олинган корхоналар, тармоқлар ва минтақалар ўртасида қайта тақсимланишига олиб келадиган ишчилар кучининг харакатланиши кўрсатилади. Ишчи кучининг статистик ўрганиб чиқилишида харакатланишнинг умумий миқдори, шунингдек унга таъсир ўтказувчи омиллар инобатга олинади.

Ишчи кучининг ҳаракатланишидаги интенсивликни баҳолаш учун айланманинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари, яъни қабул қилиш айланмаси ва чиқиб кетиш айланмаси ҳамда қабул қилиш ва чиқиб кетиш айланмаси коэффициенти, қўнимсизлик коэффициенти ҳисоблаб чиқилади. Коэффициентлар кўрсаткич нисбати билан ишчи хизматчиларнинг кўриб чиқилаётган давр мобайнидаги 100га кўпайтирилган ўртача рўйхат сони кўринишида аниқланади.

Чизмаси агрегирланган, яъни бирлаштирилган ҳолда қуйида келтирилаётган иш вақти баланси таҳлилий аҳамиятга эгадир.

Иш вақти баланси

Вақт жамғармаси	Иш вақтининг сарфланаши
1. Иш вақтининг тақвим жамғармаси	6. Ҳақиқий иш бажарилган вақт, ҳаммаси бўлиб, шу жумладан:
2. Байрам ва дам олиш кунлари	6.1 Белгиланган иш вақти
3. Иш вақтининг табелли жамғармаси (1 2 сатрлар)	6.2 Белгиланганидан ортиқча вақт
4. Навбатдаги таътиллар	7. Узрли сабабларга кўра фойдаланилмаган вақт

5. Максимал даражада имкон бўлган иш вақти жамғармаси (сатрлар 3-4)	8. Маъмурий таътиллар 9. Иш вақтининг исроф бўлиши 9.1. Маъмуриятнинг рухсати билан ишга чиқмаслик 9.2. Сабабсиз ишга чиқмаслик 9.3. Узук-кун ишсиз туриб қолиш 9.4. Фирманинг ички сабабларига кўра ишламай тури қолиш 10. Ишдаги низолар туфайли ишнинг тўхтатилиши 11. Жами бўлиб барча сабабларга кўра иш бажарилган ва сарфланмаган иш вақтлари (сатрлар 5+6+7+8+9) Шу жумладан иш вақти бўлимида (сатрлар 11 6,2)

Иш вақти баланси маълумотлари асосида иш вақти жамғармаларидан (фойдаланиш кўрсаткичлари (фойдаланиш коэффициентлари: иш вақтининг максимал имкондаги жамғармаси, табелдаги иш вақти жамғармаси, тақвимдаги иш вақти жамғармаси) ҳисоблаб чиқарилади. Энг муҳим кўрсаткичлар қаторига иш давринииг сарфланиши коэффициенти: иш кунидан фойдаланиш коэффициенти ва иш вақтидан фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичи (мазкур кўрсатгияч бундан олдинги икки коэффициентларнинг ҳосиласи сифатида ҳисоблаб чиқарилади).

Иқтисодий конъюнктура тахлил қилинаётганда иш хафтасининг давомийлиги кўрсаткичи (ишчи-хизматчиларнинг бир хафтада ишлаган соатларининг ва шу ходимларнинг шу ҳафтадаги ўртача рўйхат бўйича сонига бўлган нисбати билан аниқланади) қўлланади. Рўйхат бўйича ўртача ходимлар сони рўйхатдаги ходимлар сонининг кўриб чиқилаётган даврдаги барча кунларини шу даврдаги тақвим кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

4.1. Топшириқ

Қуйидаги кўрсаткичларни иш билан банд кишилар тоифасига қўшиш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини шарҳлаб беринг:

а) катталарга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёрдам кўрсатаётган ва иш ҳақи олмаётган ўсмирлар;

б) кундузи олий ўқув юртларида ўқиётган ва қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлган студентлар;

в) ижтимоий ишларга жалб этилган пенсионерлар;

г) корхона штатида турган, лекин иш ташлаган ишчи-хизматчилар;

д) иш ҳақи сақлаб қолинмай таътилга чиқарилган ходимлар;

е) хорижий мамлакатларга хизмат сафарига жўнатилган шахслар (қисқа муддатли хизмат сафарлари);

ж) хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юборилган шахслар (узоқ муддатли хизмат сафарлари).

4.2. Топшириқ

Қуйидагиларни аниқланг:

а) иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли сонини; б) меҳнат ресурсларини; в) кўрсатилган тоифалар ўртасидаги нисбатни қуйидаги (минг киши ҳисобида олинган) кўрсаткичлар бўйича: г) ишсизлик даражасини (икки вариантда ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати сифатида; меҳнат ресурслари қийматига);

Иш билан банд аҳоли	600
Иш билан банд бўлиш ёшидаги аҳоли	800
1 гуруҳ ногиронлари ва ишламаётган 2 гуруҳ ногиронлари	25
Пенсия ёшидаги ишлаётган шахслар	20
16 ёшга тўлмаган ишловчи ўсмирлар	5
Ишсизлар	40

4.3. Топшириқ

Меҳнат ресурсларининг тўлиб туриш коэффициентини қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда (промилледа) аниқланг:

Йилнинг бошига олингандаги меҳнат ресурслари сони	98 млн.киши
Йилнинг охирига олингандаги меҳнат ресурслари сони	102 млн.киши
Меҳнат ресурсларининг механик чиқиб кетиши коэффициенти	5
Табиий ўсиш коэффициенти	1

4.4. Топшириқ

Қуйидаги кўрсаткичлар бўйича меҳнат ресурсларининг тўлиб туриши коэффициентини (промилледа) аниқланг:

Йилнинг бошига ҳисоблангандаги меҳнат ресурслари сони	81 млн.киши
Йилнинг охирига ҳисоблангандаги меҳнат ресурслари сони	79 млн.киши
Иқтисодий фаол аҳолининг механик чиқиб кетиши коэффициенти	2
Иқтисодий фаол аҳолининг табиий ўсиши коэффициенти	1

Меҳнат ресурсларининг такрор ишлаб чиқарилиши коэффициенти билан иқтисодий фаол аҳоли ўртасидаги фарқни белгиланг.

4.5. Топшириқ

Қуйидаги маълумотларга асосан меҳнат ресурсларининг табиий чиқиб кетиши коэффициентини (промилледа) аниқланг:

Табиий тўлиш коэффициенти	12
Умумий ўсиш коэффициенти	5
Механик ўсиш коэффициенти	4

4.6. Топшириқ

Минтақадаги меҳнат ресурслари сони йилнинг бошланишида 350 минг кишини ташкил қилган. Бир йиллик табиий ўсиш (шу ўринда ва бундан кейин кўрсаткичлар меҳнат ресурсларига тегишли бўлади) - 30 минг киши, механик тўлиш кўрсаткичи - 150 минг киши, механик чиқиб кетиш - 120 минг кишини ташкил қилган.

Йилнинг охирига меҳнат ресурслари сонини аниқланг.

4.7. Топшириқ

Қуйидаги шартли маълумотларга асосан меҳнат ресурслари балансини тузинг (ўртача йиллик ҳисобда, млн.киши)

1. Жами аҳоли - 100,0, шулардан меҳнат қилиш ёшидагилари 60%, меҳнат қилиш ёшида бўлган хорижда ишлаб турганлар сони - 2,5. Жами меҳнатга қобил (ишлаш) ёшидаги аҳоли сонидан ишламайдиган инвалидлар ва пенсионерлар - 5,0; ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар - 2,5; уй хўжалигида ва болалар парвариши билан банд кишилар - 2,5.

2. Иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича иш билан банд бўлганлар (рақамлар шартли):

№	Тармоқлар	Кишилар сони, млн.киши (ўртача йиллик ҳисобда)	Бажарилган кунлари одам млн.
1	Саноат	9,51	2215
2	Қишлоқ хўжалиги	6,60	1555
3	Қурилиши	2,60	596
4	Транспорт	2,60	596
5	Алоқа	3,15	733
6	Савдо, тайёрлаш, моддий-техника таъминот, умумий овқатланиш	10,10	2354
7	Турар-жой коммунал хўжалик	0,98	232
8	Соғлиқни сақлаш	1,73	405
9	Маориф	2,40	563

10	Фан ва фан хизматлари	0,90	212
11	Барча сатхлардаги бошқарув соҳаси	2,38	558
12	Молия муассасалари	1,50	352

Тузилган баланс кўрсаткичларига кўра:

1. Қуйидагиларга тавсиф берувчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқаринг: иш билан банд аҳоли коэффицентини (меҳнат ресурслари), бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида иш билан банд бўлганларнинг (моддий буюм шаклидаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг), муомала соҳасидаларнинг, моддий бўлмаган хизматлар билан шуғулланувчиларнинг салмоғини;

2. Қуйидаги тавсифловчи кўрсаткичларни аниқланг: имкон қадар кўп иш вақти жамғармасининг ишлатилмаган қисмини (киши-кун ҳисобида) ва умуман олганда иқтисодиётда, бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида[1], муомала соҳасида. Моддий бўлмаган хизматларни кўрсатиш соҳасида энг кўп имкони бўлган иш вақтининг[2] фойдаланиши даражасини

---

[1] Бу ўринда кенг маънодаги сўз - транспорт ва алоқа, савдо ва бевосита муомала соҳасидаги тармоқлар, шунингдек умумий овқатланиш назарда тутилади.

[2] Иш вақтининг имкон қадар кўпроқ жамғармаси баробар иш билан банд кишиларнинг ўртача йиллик миқдорининг ҳосиласига ва бир йилдаги 240 иш кунларига тенг.

5 БОБ
Миллий бойлик ва асосий жамғармалар балансы

Миллий бойлик ва энг аввало асосий капитал (асосий жамғармалар) меҳнат ва ер билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг энг фундаментал омили, иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим тавсифидир. Ҳалқаро стандартларга мувофиқ МСТ бўйича миллий бойлик - бу вақтнинг қайсидир пайтига (мажбуриятлар чиқариб ташлангандаги) мамлакат бўйича жамғарилган «молиявий» ва «номолиявий» активларнинг йиғиндисидир (миллий бойлик ва унинг таркибий қисмлари - бу айни дамдаги кўрсаткичлардир. МСТ материаллари бўйича, заҳиралар кўрсаткичларидир). Қийматга эга бўлган кўрсаткичлар қаторига ЯИМ (ялпи ички маҳсулот), миллий даромад, ихтиёрдаги мавжуд даромад, истеъмол учун қилинадиган харажатлар, ялпи жамғарма, товарларнинг ва кўрсатиладиган хизматларнинг экспорти ва импорти. Буларнинг барчаси вақт бирлигида йил (ярим йил, чорак ва ҳ.к. ҳисобида), оқимлар кўрсаткичларида олинади.

Хусусий капитал кўрсаткичлари таркибига қўшиш учун МСТ томонидан тавсия этилаётган иқтисодий активлар асосий элементлари таснифи

Ҳар бир хўжалик бирлиги учун хусусий капитал қуйидаги тарзда аниқланади:

1. Номолиявий активлар
2. Молиявий активлар
3. Молиявий мажбуриятлар
4. Хусусий капитал

Бутун мамлакат учун хусусий капитал, яъни миллий бойлик, резидент мамлакатлар иқтисодий ҳудудида жойлашган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа мамлакатларга
бўлган соф талабларидаги номолиявий активларнинг йиғиндисидир.

Бошқа мамлакатларга бўлган талабларнинг соф қиймати мазкур давлат резидентлари эгалик қилаётган хориждаги молиявий активлар қиймати билан мазкур мамлакат резидентларининг қолган давлатларга нисбатан хорижий молиявий мажбуриятлар суммаси фарқи тариқасида аниқланади. Миллий бойлик ҳисоблаб чиқарилаётганда фақат хорижий молиявий активлар ва мажбуриятлар салдосигина инобатга олинади холос, чунки мамлакатдаги иқтисодиёт секторлари ўрталарида юзага келган молиявий мажбуриятлар ўзаро узилади.

Миллий бойликнинг энг аҳамиятли таркибий қисмларидан бири асосий капитал (асосий жамғармалар). Асосий жамғармалар деб товарларни ишлаб чиқаришда, бозорга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган хизматларни кўрсатишда кўп марталаб ёки доимо ўзгармайдиган натурал-ашёвий шаклда ишлатиладиган ва аста секинлик билан ўз қийматини йўқота борадиган ишлаб чиқарилган активлар аталади.

Асосий жамғармаларнинг такрор ишлаб чиқарилиши, шунингдек ҳолати ва фойдаланиши бир бутун мажмуи ҳолида асосий жамғармаларнинг балансига асосан ўрганиб чиқилади.

Асосий жамғармалар баланси ҳалқ хўжалиги балансидан (совет давридаги макрокўрсаткичлар тизимидан ва ҳисобидан), бозор иқтисодиёти талабларига айнан ўхшаш бўлган миллий счётлар тизимига ўтиш даврида маълум бир актуалликни сақлаб қолган мамлакат статистикаси учун анъанавий бўлган баланс қурилмаларининг тури, иқтисодий балансдар туридир.

Асосий жамғармалар балансининг принципиал чизмаси қуйидагичадир:

А	1	2	3	4=1+2
Иқтисодиётнинг тармоқлари, сектор-лари	Даврнинг бошланишидаги асосий жамғармаларнинг ҳисоблаб қўйилиши	Асосий жамғармаларнинг келиб тушиши	Асосий жамғармаларнинг чиқиб кетиши	Даврнинг охирига асосий жамғармалар миқдори

Баланс тузишдан кўзланадиган асосий мақсад - асосий жамғармаларнинг истеъмол қиймати нуқтаи назаридан (у тўлиқ қиймат бўйича, яъни эскириш чиқариб ташлангунга қадар ҳисоблаб чиқарилади) ва қиймати бўйича (бу ҳолда эскириш чиқариб ташланганидан кейинги қиймат бўйича баҳоланади) жамғармаларни қиймати такрор ишлаб чиқарилишини акс эттиришдир. Асосий жамғармаларни қиймати бўйича такрор ишлаб чиқарилишини акс эттириш кўпроқ миллий счетлар тизимига мувофиқлашади, чунки асосий капитал миллий бойликнинг таркибий қисми сифатида МСТ концепцияси бўйича қолдиқ қиймати бўйича ҳисоблаб чиқарилади (тўлиқ қийматидан асосий капиталнинг истеъмол қилинган қиймати чиқариб ташланади, истеъмол қиймати эса ўз навбатида ўзбек статистикасида биноларнинг амортизацияси билан тенглаштирилади).

Амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси (А йил) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$А\ йил = \frac{В - Л}{Т}$$

бунда В - асосий жамғармаларнинг тўлиқ бирламчи қиймати;

Л - асосий жамғармаларнинг тугатилиши қиймати (бундан уларни бўлакларга ажратиб ташлаш харажатлари чиқариб ташланади);

Т - асосий жамғармаларнинг хизмат қилишининг норматив муддати.

Тўлиқ қолдиқ қиймати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлгач асосий жамғармалар коэффициентини, яроқлилик коэффициентини (эскириши чиқариб ташланганидан кейин қийматини ҳисоблаб чиқарилган асосий жамғармаларнинг нисбатини) ва кўриб чиқилаётган санага олинган асосий жамғармаларнинг тўлиқ қийматини, эскириш коэффициентини ёки эскирганликни (асосий жамғармалар қолдиқ қийматининг тўлиқ қийматга нисбатини) ҳисоблаб чиқариш мумкин. Асосий жамғармаларнинг тўлиқ қиймати тўғрисидаги маълумотлар асосида асосий жамғармаларнинг янгиланиши ва чиқиб кетиши коэффициенти (янгиланиш - асосий жамғарма-

ларнинг йилнинг охирига ҳисоблангандаги қийматига нисбатан, чиқиб кетиши - асосий жамғармаларнинг йилнинг бошига ҳисоблангандаги қийматига нисбатан), шунингдек асосий воситаларнинг янгиланиши интенсивлиги коэффициенти (тугатилган жамғармаларнинг ва янгидан киритилган асосий жамғармаларнинг қийматини) аниқлаш мумкин.

Асосий жамғармаларнинг эскириши қиймати чиқариб ташланганидан кейинги баланс маълумотлари асосида асосий жамғармаларнинг қиймат шаклидаги такрор ишлаб чиқарилиши кўрсаткичлари аниқланади. Башарти капитал таъмирлаш капитал сармоя қўйишнинг бир қисми тариқасида кўриб чиқилмайдиган бўлса, асосий жамғармаларнинг эскириши туфайли қилинган харажатлар чиқариб ташланганидан кейинги (капитал сармояларини ўзи каби ёки асосий жамғармаларни ишга тушириш каби) асосий жамғармаларнинг келиб тушиши тавсифи қолдиқ қийматининг ўсиши тариқасида талқин этилади. Унда асосий жамғармаларнинг такрор ишлаб чиқарилиши тўлиқ қиймат бўйича акс эттирилаётганда капитал таъмирлаш эътиборга олинмайди.

Агар база учун олинган йил ҳисобида асосий жамғармаларнинг қайта тикланиш қиймати ҳажми маълум бўладиган бўлса, унда асосий жамғармаларнинг қайта тикланиш қиймати бўйича мавжудлигини ўсиши жорий йилида асосий жамғармаларнинг нархлар индекси-дефляторлар ёрдамида жорий йилининг нархларига қайта ҳисоблаб қўйилган қийматининг ва асосий жамғармалардаги чиқиб кетишидагибаҳолаш қиймати (бу ҳам жорий йилининг баҳолаш нархларида) фарқи сифатида ҳисоблаб чиқилади.

5.1. Топшириқ

Молия вазирлиги пенсионерлар олдидаги пенсиялар бўйича қарзини узиш мақсадида маълум миқдордаги кумушни 5 млрд. сўмга марказий банкка реализация қилган ва олинган пулларни пенсия тариқасида тўлаган. Пенсионерлар 4 млрд. сўмни истеъмол молларини харид қилишга ва хизматлардан фойдаланишга сарфлаганлар. Сотилган ва кўрсатилган хизматларнинг 80%и аввалги давр мобайнида шаклланган заҳиралар ҳисобидан реализация қилинган, деб фараз қилинади.

Кўриб чиқилган институционал бирликларнинг-умумий давлат бошқарувининг, молиявий муассасаларининг, номолиявий корхоналарнинг, уй хўжаликларининг қуйидаги шаклларда активларидаги ва мажбуриятларидаги ўзгаришларни аниқланг:

а) ҳисобот даври доирасидаги қарзининг пайдо бўлишини;

б) ҳисобот даврига қадар қарзининг пайдо бўлишини.

5.2. Топшириқ

Субъектлардан бири бўйича қуйидаги маълумотлар бор:

(млрд.сўм)

Йилнинг бошига асосий жамғармаларнинг тўлиқ қиймати	
Бирламчи қиймати	378
Қайта тиклаш қиймати (ўртача йиллик нархларда)	945
Йил давомида ишга туширилган асосий жамғармалар	60
Йил давомида капитал таъмирлашга қилинган харажатлар	14
Чиқиб кетган асосий жамғармалар:	
Тўлиқ қиймати бўйича	38
қолдиқ қиймати бўйича (бирламчи қиймати бўйича)	5
тўлиғича қайта тиклаш қиймати бўйича	45
Асосий жамғармаларнинг йил бошига эскириши	25%
Амортизациянинг йиллик нормаси	12%

Аниқланг:

а) йилнинг бошланишига ва тугашига бирламчи тўлиқ қийматни ва қайта тиклаш қийматини;

б) эскириш қиймати чиқариб ташлангандаги дастлабки қийматни ва эскириш чиқариб ташлангандаги қайта тиклаш қийматини;

в) йил давомидаги амортизация ажратмаларининг қийматини (ўртача йиллик баланс баҳосидан келиб чиққан ҳолда ҳам) ва асосий жамғармаларнинг йиллик истеъмолининг қийматини (қайта тиклаш қиймати асосида, ўртача йиллик нархларда) йиллик эскиришнинг реал қиймати ҳисоб-китобларга кўра амортизация нормасидан 85% ташкил қилишини инобатга олган ҳолда;

г) асосий жамғармаларнинг йилнинг охирига ҳисобланғандаги янгиланиши, чиқиб кетиши, шунингдек эскириши ва яроқсизлилиги коэффициентини (асосий жамғармаларнинг қайта тикланиши қийматидан келиб чиққан ҳолда).

5.3. Топшириқ

Қуйидаги шартли маълумотлар асосида асосий жамғармаларнинг икки фаразлардаги (тўлиқ қийматидаги ва эскириши чиқариб ташланганидаги қиймати бўйича) балансини тузинг (млн.сўм ҳисобида):

1	Асосий жамғармаларнинг йил бошига ҳисобланғандаги эскириши чиқариб ташлангандаги қиймати	463730
2	Йил давомида жорий этилган асосий воситалар	34000
3	Асосий жамғармаларнинг капитал таъмири	6250
4	Асосий жамғармаларнинг чиқиб кетиши:	
	тўлиқ қиймати бўйича	6150
	эскириши чиқариб ташланганидан кейинги қиймати бўйича	425
5	Йи лмобайнида амортизация ажратмалари	17150
6	Йил давомида бажарилган капитал сармояларнинг сарфланиши	32500
7	Йилнинг бошига тугатилмаган қурилишилар	4000
8	Асосий жамғармаларнинг йил бошига тўлиқ қиймати	668400

Асосий жамғармаларнинг балансилари маълумотларига кўра аниқланг:

а) асосий жамғармаларнинг бир йилдаги ишлаб чиқарилиши ҳажмини;

б) йил давомида асосий жамғармаларнинг тўлиқ қиймат бўйича ва эскириши чиқариб ташлангандаги қиймати (қолдиқ қиймати) бўйича;

в) асосий жамғармаларнинг такрор ишлаб чиқарилиши манбаълари ва уларнинг ҳар бир манбаълар бўйича миқдорлари;

г) асосий жамғармаларнинг оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қийматини:

д) асосий жамғармаларнинг чиқиб кетиши ва янгиланиши коэффициентини, асосий жамғармаларнинг эскиришини ва яроқлилигини (йилнинг бошланишига ва охирига);

е) асосий жамғармаларнинг ўртача бир йиллик эскириши нормасини;

ж) эскириши учун ажратиладиган ажратмаларнинг асосий жамғармаларни натура шаклида қоплаш зарур бўладиган маблағлар суммасига таққосланғандаги ортиб кетишини;

з) йилнинг охирига поёнига етказилмаган қурилишларнинг ҳажмини;

и) асосий капиталга қўйилмаларни халқаро статистика методологиясига мувофиқ.

5.4. Топшириқ

Иқтисодиётга таллуқли қуйидаги шартли маълумотлар мавжуд (млр.сўм)

Йилнинг бошланишига;	
Ишлаб турган асосий жамғармалар (қиймати бўйича эскириши чиқариб ташланганидан кейин)	146,0
Поёнига етказилмаган қурилишлар	5,0
Тугалланмаган капитал таъмирлаш ишлари	2,0
Ҳисобот йили давомида:	
Капитал таъмирлашга капитал сармояларнинг қўйилиши	5,4
Янги асосий жамғармаларнинг ишга туширилиши	24,4
Натура шаклида олинган капитал трансфертлар	6,0
Тугалланган капитал таъмир	7,4
Амортизация ажратмалари	15,2
Асосий жамғармаларнинг чиқиб кетиши (эскириши чиқариб ташлангандаги қиймати бўйича)	3,4

Аниқланг:

а) йилнинг охирига эскириши ҳисобдан чиқарилганидан кейинги асосий жамғармаларнинг қийматини;

б) поёнига еткаилмаган қурилишлар ҳажмини;

в) поёнига етказилмаган капитал таъмир ҳажмини.

6 БОБ
Тўлов ва савдо балансlари

Ташқи иқтисодий алоқаларни самарали бошқариш учун шу алоқаларни акс эттирувчи статистика томонидан шакллантирилади ган информациялар даркор. Иқтисодиёт статистикаси мазмуни жиҳатидан кўриб чиқиладиган ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг таркибий қисми-божхона статистикасидир.

Божхона статистикаси кузатилган ва ўрганадиган масала - мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси, яъни миқдор ва қиймат билан ифодаланган товарлар ва хизматлар экспорти, шунингдек экспорт билан импортнинг географик жиҳатдан йўналишлари («товар мамлакат», «мамлакат - товар»)дир. Божхона статистикасидан кузатиш объекти мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ташқи иқтисодий алоқалари товар номенклатурасида келтирилган ва чегара орқали ўтказиладиган товарларни декларация қилишда ишлатиладиган экспорт ва импорт товарларида. (МДХ ТИА ТН).

Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси юқорида келтирилган товарларни мамлакат чегараси орқали ўтказиш билан боғлиқ операцияларда ташқари бошқа операцияларни ҳам, жумладан ишларнинг бажарилишини ва хизматларнинг кўрсатилишини ҳам ҳисобга олади.

Тўлов баланси-баланс қурилмалари кўринишидан бири бўлиб, мазкур мамлакатнинг ва бошқа мамлакатларнинг институцион бирликлари ўртасида амалга ошириладиган иқтисодий операцияларни акс эттирувчи статистик тизимдан (статистик кўрсаткичлар тизимидан) иборатдир.

Мазкур мамлакатнинг барча институцион бирликлари унинг резидентлари деб, қолган барча бирликлари эса-норезидентлар деб аталади. Иқтисодий операция-институцион бирликларнинг ўзаро алоқалари натижаси бўлган иқтисодий оқимдир, у иқтисодий бойликларнинг барпо этилишини, қайта ҳосил қилинишини, алмашинувини, ўтказиб берилишини ёки ғойиб бўлишини акс эттиради. Бухгалтерия балансидан фарқли ҳолда тўлов балансида иқтисодий операциялар натижасида содир бўладиган активлар ёки мажбуриятлар ҳажмидаги ўзгаришлар акс этади. Одатда тўлов баланси қуйида келтирилган чизма бўйича босиб чиқарилади:

Кредит	Дебет	Сальдо (кредит минус дебет)
1 модда ..... 2 модда		

Шу билан бирга тўлов балансини қуришнинг бошқа-бир устун шаклидаги усули ҳам қўлланади. Тўлов баланси бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир операция икки марта-бир счётнинг кредитида ва иккинчи счётнинг дебетида акс эттирилади, деган принципи заминига қурилади. Агар тўлов баланси устун кўринишида тузиладиган бўлса, унда кредит кредит операциялар мусбат қийматлар сифатида, дебет операциялари эса манфий қийматлар сифатида ёзилади. Тўлов балансини таркибини акс эттирувчи принципиал чизма ва кредит ва дебет бўйича операцияларни акс эттиришнинг қоидалари қуйида келтирилган:

Иқтисодий операция	Кредит, плюсь (+)	Дебет, минус (-)
А. Товарлар ва хизматлар	Товарлар ва хизматлар (резидентлар томонидан хизматларнинг кўрсатилиши)	Товарларнинг ва сотилиши хизматларнинг кўрсатилиши (норезидентларга хизматлар кўрсатилиши)
Б. Даромадлар (меҳнатга ҳақ тўлаш ва инвестициялардан олинадиган даромадлар)	Резидентларга тушумлар (норезидентлар-дан)	Норезидентларга (резидентлардан) тўловлар
В. Трансфертлар (жорий ва капитал)	Резидентларнинг норезидентлардан маблағ олишлари	Норезидентларга маблағларнинг ўтказиб берилиши
Г. Ноишлаб чиқариш номолиявий	Активларнинг сотилиши	Активларнинг харид қилиниши

активларнинг харид қилиниши (сотилиши)		
Д. Молиявий активлар ёки мажбуриятлар билан операциялар	Норезидентларга мажбуриятларнинг кўпайиши ёки озайиши	Норезидентларга талабларнинг кўпайиши ёки озайиши

Савдо баланси тўлов балансининг ҳам ва «қолган олам» товарлар ва хизматлар счётининг ҳам таркибий қисмидир.

«Қолган олам» товарлар ва хизматлар счёти

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Товар ва хизматлар экспорти 2.1. Товарлар экспорти 2.2. Хизматлар экспорти	1. Товар ва хизматлар импорти 1.1. Товарлар импорти 1.2. Хизматлар импорти
3. Товарлар ва хизматлар бўйича сальдо «Қолган олам» (91-2 сатрлар) 3.1. Товарлар бўйича сальдо (1.1.-2.1. сатрлар) 3.2. Хизматлар бўйича сальдо (1.2.-2.2.)	

«Қолган олам» секторининг барча счётлари норезидентлари нуқтаи назаридан тузилади, шунинг учун счётнинг ресурс қисмида норезидентлар томонидан (резидентлардан) олинган иқтисодий қийматлар, фойдаланишда эса резидентлар томонидан олинадиган иқтисодий қийматлар кўрсатилади. «Қолган олам» товарлар ва хизматлар счётининг баланеловчи моддаси («қолан олам» товарлар ва хизматлар бўйича салдо) «Товарлар ва хизматлар бўйича ташқи салдо» тўлов баланси моддасига. «Қолган олам» бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар счётининг баланеловчи моддасига («Қолган олам» операциялари бўйича салдо) айнан мосдир.

6.1. Топшириқ

Резидентлар ва норезидентлар томонидан товарларнинг ва хизматларнинг олиб кирилиши ва мамлакатдан олиб чиқарилиши ва уларнинг хажмидаги ўзгаришлар тўғрисидаги қуйидаги шартли маълумотлар (жорий нархларда, млн. шартли бирликларда) мавжуд:

	1995	1998	Физик ҳажм индекси 1998 й. 1995 йга
1. Товарларнинг олиб кирилиши (қайта ишлов бериш мақсадида олиб кирилган ва ҳарбий мақсадларга аталган товарлардан ташқари рўйхатга олинадиган ташқи савдо операциялар)	10600	14800	102
2. Товарларнинг олиб чиқилиши (ҳарбий мақсадларга ишлатиладиган товарлардан ташқари рўйхатга олинадиган ташқи савдо операциялари)	12600	15800	105
3. Мамлакатга келаётганларнинг шахсий юклари	560	850	110
4. Мамлакатдан кетаётганларнинг шахсий юклари	470	620	108
5. Резидентларга норезидентлар кўрсатган хизматлар	830	970	105
6. Норезидентларга резидентлар томонидан кўрсатилган хизматлар	890	990	104
7. Иқтисодий ёрдам: а) олинган	240	200	99

б) ўтказиб берилган	120	180	102
8. Хориждаги резидент-юридик шахслар ва жисмоний шахслар харид қилган ва фойдаланган товарлар ва хизматлар	180	240	106
9. Мамлакатимиздаги норезидент юридик ва жисмоний шахслар харид қилган ва фойдаланилган хизматлар	210	290	108
10. Хорижий товарлар транзити	380	500	116
11. Мамлакатга олиб кирилмай қолган реэкспортлар	190	250	106
12. Ҳарбий мақсадларга аталган товарлар			
а) олиб кирилиши	34	370	102
б) олиб чиқиб кетиш	1690	2100	108
13. Электр энергиясининг етказиб берилиши	170	200	105
14. Товарларни қайта ишлаш мақсадида олиб чиқиб кетилиши	80	120	115
15. Хорижий кинофильмларнинг сотиб олиниши	240	320	110
16. Мамлакат кинофильмларини хорижий мамлакатлар томонидан харид этилиши	70	80	95
17. Божхона хизмати рўйхатга олмаган «моки савдогорлар» томонидан олиб чиқиб кетилган товарлар	120	150	101
18. Божхона хизматлари томонидан рўйхатга олинмаган «моки савдогарлар» олиб кир-			

ган товарлар	560	790	108

Қуйидагиларни аниқланг:

а) 1995 ва 1998 йиллардаги экспорт, импорт ва ташқи савдо айланмаси хажми кўрсаткичларини жорий нархларда;

б) 1995 ва 1998 йиллардаги импорт, экспорт ва ташқи савдо айланмаси хажми кўрсаткичларини 1995 йилдаги нархларда ва юқоридаги кўрсаткичлар бўйича физик хажм индексларини;

в) ташқи савдо айланмаси жисмоний хажмининг ўзгариши ва экспорт ва импорт маҳсулотлари нархининг ўзгариши ўтказадиган таъсирни

6.2. Топшириқ

Мамлакатга олиб кирилган ва мамлакатдан олиб чиқиб кетилган товарларни ва хизматлар ҳақида 1998 йилдаги нархларда млн. шартли бирликда, шунингдек мамлакат билан хорижий мамлакатлар ўртасида товарларни ва хизматларни олди-соттисини ташкил қилишдаги нархлар динамикаси ҳақида қуйидаги шартли маълумотлар бор:

	1998	1999	Нархлар тарифлар индекси (1999й. 1998й.га)
1. Товарларнинг олиб кирилиши (рўйхатга олинадиган ташқи савдо операцияларидан қайта ишлаш учун олиб кирилган товарлардан ва ҳарбий мақсадларга ишлатиладиганлардан ташқари			
2. Рўйхатдан ўтказиладиган ташқи савдо операциялари	6300	6400	118

(ҳарбий ҳарбий мақсадларга аталган товарлар бунга кирмайди)			
3. Мамлакатларга келаётганларнинг шахсий юклари	280	300	122
4. Мамлакатдан кетаттанларнинг шахсий юклари	230	200	119
5. Норезедентларнинг резидентларга кўрсатган хизматлари	420	450	116
6. Норезидентларга резидентлар кўрсатган хизматлар	440	400	117
7. Иқтисодий ёрдамлар: а) олинганлари б) ўтказиб берилганлари	 120 60	 140 65	 122 115
8. Хориждаги резидент жисмоний шахслар томонидан харид қилинган товарлар ва фойдаланилган хизматлар	90	100	119
9. Мамлакатимиздаги норезидент жисмоний шахслар харид қилган товарлар ва фойдаланилган хизматлар	105	110	122
10. Хорижий товарлар транзити	90	185	104
11. Мамлакатга киритмай реэкспорт қилиш	90	90	106
12. Ҳарбий мақсадларга ишлатиладиган товарларнинг: а) олиб кирилиши б) олиб чиқилиши	 170 800	 160 820	 115 119
13. Электр энергиясининг етказиб берилиши	70	100	104
14. Қайта ишлаш мақсадида олиб кирилган товарлар	40	42	109

15. Хорижий кинофильмларнинг сотиб олиниши	120	100	110
16. Хорижий мамлакатларга ўзимизда яратилган кинофильмларнинг сотилиши	40	30	109
17. Божхона хизматларида қайд этилмасдан «Моки савдогарлар» олиб кетган товарлар	60	70	110
18. Божхона хизматларида қайд этилмаган «Моки савдогарлар» олиб кирган товарлар	280	300	108

Қуйидагиларни аниқланг:

а) 1998 ва 1999 йиллардаги экспорт, импорт ва ташқи савдо айланмаси ҳажми кўрсаткичларини-жорий нархларда;

б) 1998 ва 1999 йиллардаги экспорт, импорт ва ташқи савдо айланмаси ҳажми кўрсаткичларини-1998 йил нархларида ва юқорида берилган кўрсаткичлар бўйича жисмоний ҳажм индексларини;

в) ташқи савдо айланмаси қийматининг динамикасини ва ушбу динамикага ташқи савдо айланмаси жисмоний ҳажмининг ўзгариши ва экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг нархлари ўтказадиган таъсирни;

г) мамлакатга олиб кирилган ва мамлакатдан олиб чиқиб кетилган ресурсларнинг ҳажмини; олиб кириш-олиб чиқиш сальдосини-жорий нархларда ва 1998 йил нархларида;

д) уй хўжаликларнинг пировард истеъмол учун қилинадиган харажатларининг-уларнинг ялпи ички маҳсулот комплекти сифатида шаклланишидаги кўрсаткичларига тузатиш қийматини (1998йилнинг жорий нархларида).

6.3.Топшириқ

Мамлакат бўйича ҳисобот йилидаги ва базис давридаги тўлов балансининг айрим модлалари қиймати (аналитик шакл) қуйидагиларни ташкил қилган (АҚШ долларида):

Алоҳида кўрсаткичларнинг номланиши	Давр	
	Базисдаги	Хисобот даври
Ўтказиб берилган даромадлар (жорий)	393	647
Мамлакатга қўйилган бошқа инвестициялар (яъни билвосита ва портфельсиз инвестициялар)	3167	1437
Товарлар импорти (ФОБ нархларида)	7829	6460
Хизматлар импорти	2490	1711
Мамлакатга олиб кирилган портфелли инвистициялар	-17	246
Капитал билан операциялар счети	-159	-83
Олинган жорий трансфертлар	839	676
Товарлар тўловини йўл қўйилган хатолар ва ўтказиб юборишлар (ФОБ нархларида)	5312	6308
Хизматлар экспорти	315	449

Қуйидагиларни талаб қилинади:

а) устун куринишидаги базис ва жорий даврлар учун тегишли тўлов балансини қуриш,жорий операциялар счёти бўйича капитал ва молиявий операциялар счёти бўйича йиғма позицияларни ажратиб кўрсатиш, хатоларни ва ўтказиб юборишларни, шунингдек умумий балансини тузиш;

б) мамлакатнинг хориждаги давлатлар билан иқтисодий ва молиявий муносабатларидаги ўзгаришларни тахлил қилиш.

Тўлов балансини қуриш чоғида алоҳида позициялар олдига қўйилган мусбат ёки манфий белгиларга эътиборингизни қаратинг. Тўлов балансини тузишда позициялардаги хатолар ва ўтказиб юборишлар қиймати белгиланган.

6.4.Топшириқ

Жорий операцияларнинг счётини (кредит-дебит-сальдо шаклида) тузинг. Алоҳида қилиб: а) савдо балансини; в) хизматлар балансини, С0 даромадларни, д) жорий трансфертларни тузинг АҚШ долларни ҳисобида):

		Олинган	Ўтказиб берилган
1	Давлат хизматлари	13,4	20,5
2	Бошқа инвестициялардан даромадлар	49,9	87,3
3	Бевосита ва портфель инвестициялардан даромадлар	0,2	74,1
4	Компьютер ва информацион хизматлар	0,7	5,1
5	Меҳнатга ҳақ тўлаш: норезидентлар томонидан резидентларга тўланган резидентлар томонидан норезидентларга тўланган	210,* 9,1*	
6	Бошқа хизматлар (1,4,7,8,9,10,11,12 моддаларда кўрсатилган хизматлардан ташқари)	69,9	133,4
7	Суғурта хизматлари	2,1	3,2
8	Қурилиш хизматлари	21,6	32,3
9	Транспорт хизматлари	119,2	216,6
10	Туризм	75,8	97,5
11	Алоқа хизматлари	18,7	5,0
12	Молия хизматлари	6,4	17,9

III БЎЛИМ

Бир типли топшириқларни ечиш юзасидан услубий кўрсатмалар топшириқлар ва жавоблари

1 БОБ

1.5. Топшириқ

а) 300; б) 0,75; в) 2904 г) 415 1.6Топшириқ Нодавлат корхоналар бўйича (бошқа тоифадаги хўжаликлар бўйича бўлгани каби) қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи ишлаб чиқарилиши принцип жиҳатидан олиб қаралганда 1 бобга берилган методик тушунтиришларга мувофиқ аниқланади. Мисол тариқасида кўрсатиб ўтилган корхоналарни ялпи ишлаб чиқариши= (854+72+243+23++9)+0,35+2,8+(98+66+29+8 4)++76+2 8+27+8 2+1,6+1,2+1:2=1211+2 8+201,4+176+2,8+28+8 2+1 6+1,2+1,2+1,2=163,55

1.7. Топшириқ

Капитал сармояларнинг ётқизилиши (бу ўринда номолиявий активларга ва фақат янги объектларга сарфланиши назарда тутилади) қурилиши тугалланган объектларнинг ишга туширилиши ҳажмига плюс тугалланмаган қурилишлар қийматининг ўзгаришига тенг бўлади, яъни 15000+(420-120)=15300. Қурилиш маҳсулоти (ялпи чиқариши) қурилиши тугалланган объектларнинг ишга туширилишининг ҳажми йиғиндиси (жиҳозлари, транспорт воситалари ва шу кабилар сиз), бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш, тугалланмаган қурилишдаги ўзгаришлар ва поёнига етказилмаган қурилиш ишлари йиғиндиси сифатида ёки қурилиш-монтаж, лойиҳалаш-тадқиқот ва бошқа қурилиш хусусиятидаги ишларнинг йиғиндиси сифатида, бинолар ва иншоотларнинг капитал таъмири суммаси сифатида (агарда капитал таъмирлаш қурилиш ишлари ҳажмига кирмаган бўлса) ва поёнига етказилмаган қурилиш ишларидаги ўзгаришлар йиғиндиси сифатида аниқланади. Қурилишнинг ялпи чиқариш маҳсулотини ҳисоблаб топишнинг икки усули назарий жиҳатдан айни бир натижаларни беради.

1.8. Топшириқ

1 бобга берилган услубий изоҳга қаралсин. Савдо маҳсулотининг ўсиш суръати (шу жумладан чакана савдонинг ҳам) товар ай-

ланмасининг ўсиши суръати билан (табиийки чакана товар айланмасининг ўсиши билан ҳам тенг қилиб олинишига эътиборни қаратмоқ даркор. Бунинг учун жорий нархлардан иборат бўлган товар айланмасини доимий нархларга (базис даврисиз) қайта ҳисоблаб олмоқ зарур, бунинг учун эса амалдаги нархлардаги товар айланмаси тўғрисидаги маълумотларни амалдаги нархлардаги чакана нархлар индексига бўлиш керак бўлади. Бизнинг мисолимизда 14500/120%* 100%, бу эса 12083га тенгдир.

1.9. Топшириқ

1 бобга берилган методик шархга қўшимча равишда диққатингизни қуйидагиларга қаратмоқчимиз: бозорга боғлиқ бўлмаган чиқариш тегишли бюджет ёки тадбиркорлик ташкилотларининг жорий харажатлари бўйича, асосий жамғармаларнинг истеъмолини (амортизация) ҳам қўшган ҳолда жорий харажатларга кўра баҳоланади. Суғурта ташкилотларининг чиқариши масала шартига кўра суғурта мукофотлари билан суғурта қопловлари ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Бу ҳолда майда корпорацияларга бирлашмаган корхоналарнинг даромадлари тўлашча моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ялпи чиқаришга олиб борилган.

Жавоблар: а)709; б) 660; 280; 380; в) оралиқ истеъмол: 385;143;242; ялпи қўшилган қиймат: 275; 137; 138; соф қўшилган қиймат: 119; 85; 34; г) 340; 184; д) 355; 199.

1.10. Топшириқ.

1. Вариант

1) тармоқ сатҳида ишлаб чиқариш счетлари ва даромадларнинг ҳосил бўлиши счетлари чиқариш ва қўшилган қиймат асосида нархларда ҳисоблаб чиқарилган тақдирдагина тузилади:

2) макросатҳда ишлаб чиқариш счети ЯИМ кўрсаткичи пировард харидор (пировард фойдаланиш пировард истеъмол) нархида ҳисоблаб чиқарилган келиб чиққан ҳолда кўрилади.

3) бирламчи тақсимот ва иккиламчи тақсимот счетлари шакллантирилаётганда «Уй хўжалиги» сектори учун ихтиёрда-

ги даромаддан фойдаланиш счетлари «Уй хўжалиги» резидент - бирлик деб қабул қилинади.

II вариантда қуйидагиларга эътиборни қаратиш муҳимдир:

Ишлаб чиқариш усулида ЯИМни ҳисоблаб чиқаришда оралиқ истеъмол мазкур операция амалга оширилган (хом ашёларнинг ва материалларнинг обмордан ишлаб чиқариш жараёнига келиб тушган) пайтдаги нархларда, яъни «холдинг даромадисиз» баҳоланади: ЯИМ тақсимлаш усули билан ҳисоблаб чиқарилган тақдирда меҳнатга ҳақ тўлаш мазкур давлат ҳудудидаги резидентларнинг ҳам, норезидентларнинг ҳам меҳнатга ҳақ тўлашига қўшилади, ялпи фойда эса қўшилган қийматнинг умумий миқдори билан меҳнатга тўланган ҳақ суммаси ўртасидаги ва ишлаб чиқаришдан ундириладиган бошқа солиқлар сўммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (нетто, яъни бошқа субсидиялар чегириб ташланганидан кейин аниқланади);

Масала шартига кўра айрим ҳолларда ЯИМни пировард фойдаланиш усулида баҳолашда ҳисобот даврида хусусий заҳиралар ҳисобидан олинган хом ашё ва материаллардан фойдаланилган (яъни аввалги даврларда жамғарилган заҳиралардан ишлатилган) шундай экан моддий айланма воситаларнинг заҳиралари озайган:

2) миллий даромадни аниқлашда ажнабий ишчилар олган пул даромадларини ватанларига юборганлар, яъни мазкур бирламчи даромадлар чиқиб кетган деб фараз қилинади (ялпи миллий даромад соф миллий даромаддан асосий жамғармалар истеъмоли қийматига кўриб чиқилаётган давр амортизацияси қийматига оз бўлади)

3) уй хўжаликларининг жамғармлари (ихтиёрдаги даромад билан пировард истеъмолга қилинадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида) резидент бирликларга таалуқли бўлади.

Ҳисоб китобларда изчиллик алоҳида мисолларда келтирилади:

1 мисол. А тармоқлари бўйича фойданинг ҳисоб-китоби.

Макроиқтисодий ҳисоб-китобларда фойда даромадларининг ҳосил бўлиши счетида аниқланади. Ресурс қисмида ялпи қўшилган қиймат ўз навбатида ялпи чиқиш билан (600+500) 1.25=1000 млрд сўм) ва оралиқ истеъмол ўртасидаги (300 млрд.сўм) яъни 700 млрд.сўм (1000-300=700) фарқ сифатида аниқланади. Фойдала-

ишда - бевосита, сальдоланмаган кўрсаткичлар: меҳнатга ҳақ тўлаш (350) ва ишлаб чиқаришдан ундириладиган бошқа солиқлар, нетто (120; «жим бўлиш бўйича» субсидиялар полга тенг қилиб олинади); сальдоловчи позиция - фойда 320 млрд.сўмга тенг (700-350-120=230).

2 мисол. Б тармоқ корхоналаридаги моддий айланма воситалар заҳираларининг ўзгариши ҳисоб-китоби.

Захиралар ўзгаришининг баҳоланишига «холдинг даромади» таъсир қилади. Инфляциянинг активлар миқдорига ўтказадиган таъсирини бартараф қилар экамиз А тармоқда олинган хом ашё ва материаллар заҳиралари 1000 млрд.сўмга озайганини аниқлаймиз (500 - 500 * 3 = -1000). Бундан ташқари Б тармоқнинг омборхоналарида сақланаётган хом ашё, материаллар ва ёқилғи заҳиралари ҳисобот даврида ишлатиш натижасида 100 млрд.сўмга озайган. Шу тариқа ялпи жамғарманинг бир қисми сифатидаги айланма моддий воситалар захираларининг ўзгариши Б тармоқ бўйича = 1100 млрд.сўм [- 100 + (-100) = - 1100]

Жавоблар:

ЯИМ = 2770 млрд.сўм; ялпи миллий даромад = 2520 млрд.сўм; соф миллий даромад = 2040 млрд.сўм.

1.11. Топшириқ

1 бобга берилган услубий изоҳга қаралсин. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таққослама таҳлилдан ўтказиш, иқтисодий самарадорликка динамик омилларининг таъсирини олиш мақсадида ҳар икки йилдаги кўрсаткичлар (1992 ва 1993 йиллардаги, 1993 ва 1994 йиллардаги ва ҳ.к. ёки 192 ва 1997 йиллардаги кўрсаткичлар) ишлатилиши мумкин. Жамғарманинг маҳсулдорлиги (ЖМ) ва жамғарма билан қуролланганликнинг (ЖҚ) меҳнат унумдорлигига ўтказадиган таъмирини қуйидагича аниқлаб билиш мумкин:

Жамғарманинг меҳнат унумдорлигига таъсири.

$$\% = \frac{\text{ЖМ ҳисоб. ЖҚ жорий - ЖҚ база * 100\%}}{\text{W ўсиш (умумий)}}$$

Жамғарма билан қуролланганликларнинг меҳнат унумдорлигига таъсири = 100% - жамғарма маҳсулдорлигининг меҳнат унумдорлигига таъсири.

Бунда ЖМ ҳисоб - жамғарманинг маҳсулдорлиги (ЯИМ: асосий жамғармаларнинг ҳисобот йилидаги ўртача йиллик қиймати).

ЖК жор ва ЖК база - меҳнатнинг жамғарма билан қуролланганлиги (асосий жамғармаларнинг ўртача йиллик қиймати: иш билан банд кишиларнинг ўртача йиллик сони);

ўсиш (умумий) - меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиш (ЯИМ хис/хис - ЯИМ баз/М баз).

2 БОБ

2.1. Топшириқ

1 ва 2 бобларда келтирилган товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар гуруҳи мисолидаги услубий тушунтиришларга қаралсин. Топшириқни ечишдаги изчилликни кўрсатамиз, бунинг учун дастлаввал чиқариш (ялпи чиқариш) аксарият ҳолларда асосий нархларда баҳоланади ва шунда маҳсулотлардан ундириладиган ҳар қандай солиқлар, шу жумладан импорт товарлардан ундирилиши зарур бўлган солиқлар чиқариб ташланишини (аксинча маҳсулотларга, шу жумладан импорт маҳсулотларга субсидиялар қўшилишини) эслатиб ўтамиз: ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари билан боғлиқ ҳолда маҳсулотлардан ундириладиган кўп турдаги солиқлар инобатга олинади (ҚҚС - қўшилган қиймат солиғи ва импорт солиғи истисно этилади), лекин маҳсулотларга бериладиган субсидиялар қўйилмайди:

а) чиқариш (ялпи чиқариш) эътибор бериш - активлари сотишдан олинадиган даромадлар ишлаб чиқариш фаолияти натижаси эмас, балки активлар шаклини ўзгартиришдир.

-асосий нархларда 220 - (40+3.5+2) = 220-45,5 = 1774.5;

-ишлаб чиқарувчилар нархларида = 220 - 40 = 180.

б) Оралиқ истеъмол (ерга солинадиган ижара тўлови ишлаб чиқаришдан ундириладиган солиқ сифатида, аниқроқ қилиб айтганда ишлаб чиқаришдан олинадиган бошқа солиқ сифатида қурилишини назарда тутиш ва оралиқ истеъмолга қўшилмаслигини, патентларни ва лицензияларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар

эса оралиқ истеъмол унсури сифатида кўрилишини назарда тутмоқ даркор) = 145,1 | (150-15) + 2 + (2+1,8)+3+0,6+0,6+0,1|

в) Қўшилган қиймат:

-ялпи қўшилган қиймат = 29,4 |174,5 - 145,1|

-соф қўшилган қиймат = 21,4 |29,4 - 8 |

г) ёлланма ишчи-хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш = 45,3 |30+6+1,5+4+0,7++,8+1,0+0,3| шу жумладан:

-иш ҳақи = 37,3 |30+1,5+4+1,8|;

-иш берувчиларнинг ижтимоий суғуртага амалда қилган ажратмалари=6;

-ижтимоий суғуртага қилинган ажратмаларнинг шартли ҳисоб-китоби=2 |1+0.7+0,3|.

Ишлаб чиқаришдан ва импортдан ундириладиган солиқ=55,5 |40+4+3+3,5+2+3|,

Шу жумладан:

-маҳсулотга солинадиган солиқлар = 45,5 |40+3,5+2|;

-ишлаб чиқаришдан ундириладиган бошқа солиқлар = 10|3+4+3|.

Ишлаб чиқариш ва импорт субсидиялари = 3,2 |2+1,2|, шу жумладан:

-маҳсулотлар субсидиялари (бу ерда: ишлаб чиқаришга нархларни таннархдан паст белгиланганлиги учун зарарларни қоплаш) = 2;

-ишлаб чиқаришга бошқа субсидиялар (бу ерда: ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланганлик учун бериладиган давлат компенсациялари) = 1,2

е) Мулкдан олинадиган даромадлар:

-олинганлари = 2,5

-ўтказиб берилганлари = 4.5

ж) Жорий трансфертлар:

-олинганлари = 1.0

-ўтказиб берилганлари 7,7

з) Капитал трансфертлар:

-олинганлари 12

-ўтказиб берилганлари 2.5

и) моддий ишлаб чиқарилган активларнинг ялпи жамғармаси = 13, [(5+6+1-1-3-2,5) + (14-10)+(4-5)+30-25)], шу жумладан:

-асосий капиталнинг (асосий жамғармаларнинг) ялпи жамғармаси = 5,5 [-3+5+6-2,5]

-моддий айланма маблағларнинг заҳиралари ўзгариши = +8 [(14-10)+14-5) + (30-25)] номоддий активларнинг жамғармаси 5ни ташкил қилган.

2.4. Топшириқ

2 бобга берилган услубий изоҳга қаралсин. Кўп ҳолларда «Уй хўжалиги» сектори орқали ўтадиган операцияларнинг қандай акс этишини кўрсатамиз (кўрсатилган секторга тегишли бўлган «Г» устунига урғу берилган жадвал чизмасини шу ўринда такрорлаймиз):

	А	Б	В	Г		Д	Е	Ж
	1:2	1:2	1:2	1	2	1:2	1:2	1:2
I	400			ишлатиш 150 50 250		50	450	450
II				300 200				
III			200 15	15	200) 20)		20	
IV		255		255				
V				720	720			

«Г» устуни бўйича («Уй хўжалиги») ўнгдаги ресурс қисми ишлаётган студентларнинг иш ҳақи ҳисобидан (300), ишлаётган аҳолининг бошқа тоифалари иш ҳақи ҳисобидан (200) шаклланади - II сатрнинг (бирламчи даромадлар билан операцияларнинг) кесимида; стипендиялар (200) ва грант (20) - III сатрнинг (қайта тақсимловчи операциялар)нинг кесимида. Ҳаммаси бўлиб 720 (V сатр «Жами»). Айни шу суммани Vсатрнинг «Г» устунининг чап қисмида ишлатишда кўрсатиш даркор.

Сўнгра фактик харажатлар миқдори аниқланади. V 465 [150+50+20+15]га тенг бўлади. Даромадларнинг қолган қисми [255 = 720 - 465] депозит счетига келиб тушган. Бу рақам устуннинг кесишган жойида (унинг чап қисмида - ишлатишда) ва IV сатрнинг (молиявий қуроллар, яъни воситалар билан операциялар) кесишган жойида кўрсатилади.

Кейинги босқич - корреспонденцияланадиган счетлар бўйича, яъни ёзишмалар олиб бориладиган ҳисобварақлар бўйича, операцияларни разноска қилиш, ъни тегишли ўринларга кўчиришдир.

Аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар [150+250=400] номолиявий корхоналар томонидан ишлаб чиқилган ва реализация қилинган («А» «Номолиявий корхоналар устунининг товарлар ва хизматлар билан операциялар сатри билан кесишадиган катакнинг ресурс қисмида).

Аҳоли томонидан истеъмол қилинган импорт (50) «Қолган олам» счетларидан бирида («Е» устунининг 1 сатр билан - ресурслар сифатида кесишган катакда, яъни счетнинг ўнг қисмида) ўз аксини топган. Шу тариқа 1 сатр балансланади: жами ресурслар 450 [400+50] ва сарфланган ресурслар ҳам 450 [150+50+250]:

Студентлар томонидан тўланган солиқлар (15) III сатр (қайта тақсимот операцияларининг) ва «В» («Давлат ташкилотлари») устуни кесишган катакда - ресурслар қисмида аксини топади, фойдаланишда эса - бюджетдан студентларга тўланган стипендиялар суммаси акс эттирилади (200).

Аҳолининг пул маблағларини банклардаги депозит счетларга ўтказишлари (255) молиявий воситалар, яъни қуроллар билан операцияларда «Молиявий муассасалар» сектори бўйича - ресурс қисмида акс эттирилади.

Масала счимининг якуний қисми иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бўйича қолган информацияларни акс эттириш ва тегишли катакларда корреспонденцияланадиган позицияларнинг ўтказмаларини расмийлаштириш билан боғлиқдир. Жамловчи сатр ва жамловчи устун бўйича баланслаш бир ёқлама

шартли мисолда келтирилган матрица шаклидаги счетлар тизими тўғри қурилганлигини англатади.

3 БОБ

3.1. Топшириқ

3 бобга ва 3.1. топшириққа берилган услубий тушунтиришга қаралсин. Мазкур топшириқ мисолида бажариладиган ҳисоб-китоблар изчиллигини кўрсатамиз. Икки тенгламалардан иборат тизими қурамиз (x_1 ва x_2 ноаниқ):

$0,2\ X_1 + 0,5X_2 + 80 = X_1$

$0,3\ X_1 + 0,4\ X_2 + 20 = X_2$

2.1. тенгламасининг икки қисмини 1.2. тенгламасига кўпайтирамиз. Натижада тенгламанинг (1) қуйидаги модификациясига эга бўламиз:

$0,96\ X_1 - 0,6\ X_2 = 96$ (3.1)

$-0,3\ X_1 + 0,6\ X_2 = 20$ (3.2)

3.1. ва 3.2. тенгламаларни жамлашда қуйидаги тенгламани ҳосил қиламиз:

$0,66\ X_1 = 116$

Шунда $X_1 = 175,8$ (116 : 0,66)

$X_2 = 121,2[20+0,3X_1:0,6 = (20 + 52,74) : 0,6]$

Шу тариқа иқтисодиёт бўйича бир бутун ҳолдаги йиғилган маҳсулот ($X_1 + X_2$) тенг бўлади 297 (175.8 + 121,1), ЯИМ (масала шартига кўра ($V_1 + V_2$ = 80+20=100) ялпи чиқариш (100/297*100%)дан 33,7%ни ташкил қилади.

Оралиқ истеъмол жами маҳсулот ва ЯИМ ўртасидаги фарқ билан (227-100=197) аниқланади. ЯИМ оралиқ истеъмолга нисбатан 1,5 мартага (297/197) кўп.

3.4. Топшириқ

3 боб 3.4. топшириққа берилган услубий кўрсатмаларга қаралсин. Эътиборингизни 3.1. топшириқдаги ноаниқлар сифатида иқтисодиётнинг биринчи ва иккинчи тармоқлари (X_1 ва X_2) жами маҳсулоти эмас, балки ЯИМ (V_1 ва V_2)нинг таркибий қисмлари амал қилади.

Тенгламалар шаклини тузамиз:

$a11\ X_1 + a12x2 + V_1 = X_1$; (1.1)

$a21x1 + a22x2 + V_2 = X_2$; (1.2)

$X_2 = 3(X_{11} + X_{21}) = 3(a11x1 + a21x1) = 3(0,2X_1 + 0,3X_1) = 3*0,5X_1 = 240$.

Мавжуд информациялардан келиб чиққан ҳолда (1.1) ва (1.2) тенгламаларни икки тенгламалардан таркиб топган янги тенгламалар тизимига айлантирамиз:

$0,2\ X_1 + 0,5X_2 + V_1 = 160$; (2.1)

$0,3\ X_1 + 0,4X_2 + V_2 = 240$; (2.2)

(2.1) тенгламасидан

$V_1 = 160-00,2*160-0,5*240=8$

(2.2) тенгламсидан

(2.3) $V_2 = 240-0,3*\ 160-0,4*\ 240-48-96=240-144 = 96$

Шунда ЯИМ = 404 (8+96); ялпи чиқариш (400 = 160 +240) ЯИМдан 3,85 марта кўп; ЯИМ оралиқ истеъмолдан 2,85 марта кам (104 қарши 296га 296 = 32 + 48 + 120 + 96)

3.5. Топшириқ

3 бобга ва 3.4. топшириққа берилган услубий кўрсатмаларга қаралсин.

Жавоблар: а* ЯИМ=5465,6; ялпи чиқариш ЯИМдан 3,66 марта кўп (2000/5465,6); оралиқ истеъмол ЯИМдан 2,66 марта кўп (14534.4/5465,6) б) агар маҳсулот бирлигига қилинадиган харажат кўпаядиган бўлса ($a21$ - 0,25дан 0,30гача; $a22$ - 0,35дан 0,40гача), унда ЯИМ ҳажми 1,5 марта қисқаради [5465,6 (ЯИМнинг эски баҳоси)/3534,4 (ЯИМнинг янги баҳоланиши)]. ЯИМнинг янги қиймати (3534,4) тенгламалар тизими асосида [3.4. топшириғидаги (1.1) ва (1.2) тенгламалар тизими асосида] янги параметрлардан - бевосита харажатларнинг янги коэффициентларидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

4 БОБ

4.2. Топшириқ

4 бобга берилган услубий тушунтиришларга қаралсин.

Жавоблар:

а) иқтисодий фаол аҳоли сони 640

б) меҳнат ресурслари сони 800

в) меҳнат ресурсларининг фаол аҳолига нисбати 1,25

г) ишсизлик даражаси:

1-чи вариантда 6,25%

2-чи вариантда 5%

4.4. Топшириқ

4 бобга берилган услубий тушунтиришга қаралсин. Бу типдаги топшириқлар баланс усули асосида ечилади. Умумий тенгликда қуйидагилар бўлиши мумкин: даврнинг (йилнинг, чорагнинг ва ҳ.к.нинг) бошланишига (меҳнат ресурсларининг, иқтисодий фаол аҳолининг, иш билан банд бўлган аҳолининг ва ҳоказолар сони, кўриб чиқилаётган оралиқдаги вақт мобайнидаги кўпаювчи ёки озаювчи) кўрсаткичлар + механик чиқиб кетиш = давр охирига бўлган бўлган миқдор. Бирмунча жамланган ҳолда баландаги тенглик қуйидаги кўринишга эга бўлади: даврнинг бошланишига бўлган сон, миқдор + табиий ўсиш + механик ўсиш = даврнинг охиридаги сон, миқдор.

Бу ҳол учун «гибрид» (яъни «дурагай») вариантни қўллаш қулайроқдир: йиллик ўсиш = табиий ўсиш + механик тўлиш - механик чиқиб кетиш. Топшириқнинг бундай ечими қуйидаги тенгламага асосланади: механик чиқиб кетиш. Механик тўлдириш тенг минус 1,92 млн.киши (йиллик ўсиш = -2,0 млн.киши; табиий ўсиш = 0,08 млн.киши; механик чиқиб кетиш = 0,16 млн.киши). Механик тўлиб туриш коэффициенти минус 24 промиллени ташкил қилган (- 1920000/80000000*1000 = 24%).

4.7. Топшириқ.

4 бобга ва 4.4. топшириққа берилган услубий тушунтиришга қаралсин. Меҳнат ресурсларининг сони = 100,0* 0,6 - 5,0 + 2,5 млн. = 57,5 киши.

Иқтисодиётдаги банд кишилар сони 42,51 млн.киши

(9,51+6,60+2,60+3,15+0,66+10,10+0,98+1,73+2,40+0,90+2,38+1,50);

Аҳолининг иш билан бандлиги коэффициенти = 0,739 (42551/57,5);

Максимал даражадаги киши/кунинг ишлатилмай қолган қисми (42,51*240 - 9928 = 10202,4 - 9928) (9928 киши кун амалда иқтисодиётнинг барча тармоқларида сарфланган);

иш вақти жамғармасидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш даражаси бутун иқтисодиёт бўйича = 0,97 (9928/10202,4).

5 БОБ

5.1. Топшириқ

2 ва 5 бобларда берилган услубий тушунтиришларга қаралсин. Мазкур топшириқ активлар ҳаракатланиши кўрсаткичларини ўлчашнинг ҳозирги замон методологияси хусусиятларининг акс этиши жиҳатидан кўриб чиқилиши мумкин. Бу орада қуйидагиларга эътибор бермоқ даркор:

а) МСТ концепциясига мувофиқ макроиқтисодий ҳисоб-китоблар тизимидаги операцияларга баҳо бериш касса асосида эмас, балки ҳисоблаб қўйиш усулида амалга оширилишига;

б) агар қарз ҳисобот даврининг ўзида юзага келиб, шу даврнинг ўзида узиладиган бўлса, қарзларнинг юзага келиши ва тугатилиши бўйича операциялар қайд этилмайди.

5.2. Топшириқ

5 бобга берилган услубий тушунтиришга қаралсин.

Жавоблар:

а) йилнинг бошланишига: 378 ва 945 (масала шартига кўра); йилнинг охирига: 400 ва 960 (охирги рақам агарда харажатлар капитал қўйилмаларга қилинган бўлса).

Б) йилнинг бошланишига: 283,5; 708,75;

йилнинг охирига: 291,8; 662,53

Ҳисоб-китобдаги изчиллик қуйидагича:

708,75 + 60+14 - 5,92 - [12%* (960+945) /2*100%)] = 708,75 + 60 + 14 - 5,92 - 12%* 952,5/100% = 775,83 - 114,3 = 662,53.

В) 46,68 = 12%* [(378 + 400)/2 : 100%)];

97,16/12%* 0,85/100% = 0,102), сўнгра 0,12* (945 + 960)/2 = 0,102* 952,5;

г) 6,25 = 60/960* 100%;

4,76 = 45 (945*100%);

Iq = 100% - 662,53/960* 100% = 100% - 69 469 = 100% - Iq.

6 БОБ

6.1. Топшириқ

6 бобга берилган услубий тушунтиришларга қаралсин.

Жавоблар:

а) 1995 йил учун - 15850, 12890, 26740;

1996 йил учун - 19750, 17570, 37320.

Б) 1998 йил учун 1995 йил нархларида - 16492,3: 13228,7; 29721.

Базис қилиб олинган йилга тегишли амалдаги нархларда ҳисобланган маълумотлар физик ҳажмдаги индексга кўпайтириб олинадиган экстрополяция усули ишлатилади. Масалан, норезидентлар томонидан резидентларга кўрсатилган хизматлар 1995 йилда 830 млн. шарли пул бирлигини, жисмоний ҳажм индекси (1998 йилнинг 1995 йилга нисбати) - 105%ни ташкил қилган, шундан келиб чиққан ҳолда 1998 йилда кўрсатилган хизматлар импорти доимий нархларда (қиёслаш учун база сифатида 1995 йилдаги нархлар қабул қилинган) 871,5 млн, 5млн.шарли бирликни ташкил қилган (830-105%/100%).

Шу тариқа физик ҳажм индекслари тенг бўлганлар:

Экспорт - 104,1% [16492,3/15850*100%]

Импорт - 102,6% [13228,7/12890*100%]

Ташқи савдо айланмаси - 103,4% [29721/28740 x 100%]

в) экспорт-импорт, ташқи савдо айланмаси динамикасига таъсири физик ҳажмнинг ва нархларнинг ўзгариши қуйидаги тенгламага мувофиқ ўлчанади:

Ipq = Iq*Ip,

Бунда Ipq - қиймат индекси, Ip - нархлар индекси

Топшириқ шартларига мувофиқ товарлар ва хизматлар қуйидагиларни ташкил қилган:

товарлар ва хизматлар экспортининг I қиймати

19750/15850*100% = 124,6%;

товарлар ва хизматлар экспортининг I физик ҳажми

16492,3/15850*100% = 104,1%;

экспорт маҳсулотига I нарх ва экспорт хизматларга тарифлар баробар товарларнинг ва хизматларнинг I қиймати ва товарлар ва хизматлар экспортининг I физик ҳажми нисбатига тенг, яъни 119,7%/124,6/104,1*100%


6.3. Топшириқ


6 бобга берилган услубий кўрсатмаларга қаралсин.

Жавоблар (базис даври учун):

Жорий операциялар счети = - 4247, шу жумладан савдо баланси (товарлар баланси) - 2517, хизматлар баланси = - 2175, даромадлар = - 394, жорий трансфертлар = + 839

Капитал ва жисмоний операциялар билан операциялар счети = - 3458, шу жумладан капитал билан ўтказилган операциялар счети = -159, молиявий счет = 3618.


Ишлаб чиқаришнинг моддий соҳаси
Хўжалик ташкилотлари
Якка тартибдаги хўжаликлар (ШТХ, ЯТМ ва бошқалар)
Пудлик хизмат
Хўжалик ташкилотлари
Моддий ва номоддий соҳалардаги хўжалик органларида яратилган қўшимча қийма
Нобюджет жамғармалар
Аҳоли даромад олари


Ишлаб чиқаришнинг номоддий соҳаси
Пуласиз хизмат
Ижтимоий маданий ва хўжалик хусусиятидаги аҳолининг турмуш фаровонлигидан даолат берувчи хизмат
Умумий бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, мудофаа органлари хизматлари
Давлат бюджети
Суғурта ташкилотлари
Кредит институтлари

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....3
I Бўлим. Миллий счетлар
1 боб. Ялпи ички маҳсулот – миллий счетлар тизимидаги марказий кўрсаткичлар.....14
2 боб. Миллий счетлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимидир.....32
3 боб. Тармоқлараро баланс – миллий счетлар тизимининг муҳим бўлимидир.....53

II бўлим. Иқтисодий балансlар
4 боб. Меҳнат ресурслари ва ишчи кучига харажатлар балансси.....61
5 боб. Миллий бойлик ва асосий жамғармалар балансси.....70
6 боб. Тўлов ва савдо балансlари.....77

III бўлим. Бир типли топшириқларни ечиш юзасидан услубий кўрсатмалар ва топшириқлар
1 боб. Жавоблар.....87
2 боб. Жавоблар.....91
3 боб. Жавоблар.....95
4 боб. Жавоблар.....96
5 боб. Жавоблар.....98
6 боб. Жавоблар.....99
Илова: 1 чизма.....101

Наманган вилоят Ибрат номли босмахонаси.
Ҳажми 60x84 1/16. 6,5 босма табоқ. Газета қоғози офсет усули.
2014-буюртма. Адади 1000x52-2003 й.